Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 13 МАЙ, ЧОРШАНБА

№ 48 (5644).
Баҳоси: обуначига 24 тийин, сотувда 60 тийин.

ЎҚУВЧИЛАРГА МАОШ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Қўрғонтепа ноҳияси мактабларида йигит-қизларга миллий ҳунармандчилик сирларорларини, касб-корларини ўргатишга киришилганига уч йил бўлди. Ўтган даврнчида юқори синф ўқувчи қизлари дўппидўзлик, тикувчилик ҳунарларини ўргандилар, ўғил болалар эса дурадгорлик, темирчилик, сартарошлик ва новвойлик касбини эгалламоқдалар.

Ўқувчиларга касб-кор ўргатишда Алишер Навоий номли 20-ўрта мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Тожибархон Аҳмедова ўз касбдошларига ибрат бўлмоқда. 11-синфдаги 15 нафар ўқувчи қиз дўппи тикишни мукаммал ўрганиб олди. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: бозорга бориб дўппи олмоқчи бўлсангиз, бизнинг Фарғона водийси шаҳар ва ноҳияларида энг яхши дўппи 400—500 сўмдан кам эмас. Дўппи тикишни ўрганган қизлар ҳеч бўлмаганда ўз онласидаги ота, ака-укаларини арзон бош кийими билан таъминлайди.

36-мактабда эса ўғил болалар тол новдаларидан сават тўқишни ўрганмоқдалар. Шунингдек, ўқитувчи А. Бўтаев раҳбарлигида шу мактаб ўқувчилари дурадгорлик касбини пухта эгаллашга киришдилар. Ҳозир улар боғчалар учун овқат столи, стулларини ясаш, сандиқ, жавон тайёрлашни ўзлаштириб олдилар.

Яқинда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва ноҳия методика кабинети ташаббуси билан ноҳия мактабларида «Меҳнат таълимининг ўқитилишида миллийликка эътибор бериш» мавзусида вилоят семинари ўтказилди. Семинар иштирокчилари ноҳиядаги Бобур номли 3-, А. Навоий номли 20-, М. Мамадалиев номли 27-ўрта мактабларда бўлиб, бу жойларда меҳнат таълимининг ташкил этилиши билан яқиндан танишдилар. Улар 3-мактаб меҳнат таълими ўқитувчиси Р. Юсупов, 20-мактаб ўқитувчиси Т. Аҳмедова, 27-мактаб ўқитувчиси М. Абдурайимовалар нинг машғулотларини намунали баҳоладилар.

Семинар якунида ўқувчиларнинг меҳнат таълими дарсларида, тўғарак машғулотларида тайёрланган турли буюм, жиҳозларни аҳолига сотиш учун алоҳида мактаб дўкони ташкил этиш режалаштирилди, тушган маблағнинг бир қисмини хомашё учун сарфлаш, қолган қисмини ўқувчиларга иш ҳақи сифатида беришга келишилди.

А. МАҚСУДОВ.
Андижон вилояти.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

Маълумки кейинги даврда мактабларимизда миллий таълимни жорий этиш педагогларимиз олдидаги бош масалалардан бири бўлиб келаяпти. Гарчи бу борада алоҳида дастур, махсус қўлланмалар ҳали жорий этилган бўлмаса-да, бироқ жойларда тажрибалардан келиб чиқиб муваффақиятга эришганлар бор.

Чунончи, Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги 15-ўрта мактабда миллий таълимни юксалтириш, уни амалда жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Масалан, шу мактабнинг она тили ва адабиёти муаллимаси Соҳиба Зиёева узоқ йиллик иш тажрибаларини жамлаб, мактаб педагоглари жамоасига тақдим этди. Ниҳоят, кўпчилик томонидан уни қўллаб-қувватлашди.

Эндиликда муаллима дарсларни ўтишда ўз дастуридан фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқда.

— Биз фақат дарслик билан чегараланиб қолганлигимиз оқибатида, биринчидан, ўқувчиларимизни саводсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлдик. Иккинчидан, миллий тарбиямиз ҳам издан чиқди. — Шу боис, адабиёт дарсларини ўтаётганда, аввало, ўтмишдошларимизнинг миллий урф-одатга бўлган муносабатларини чуқурлаштириб ўрганаяпмиз. Шунингдек, дарсликларга киритилмаган классикларимиз ижодидан ҳам ўқувчиларни баҳраманд этиб, ўзимизга керакли қисмларни кенг ўрганаяпмиз. Бу эса, нафақат адабиётдан, балки бошқа фанлардан ҳам дарс самарадорлигини оширишга имкон яратмоқда, — дейди Соҳиба Зиёева.

Суратда: С. Зиёева 10-синфда адабиётдан дарс ўтмоқда.

А. АКМАЛОВ тасвири.

Мактаб ишбилармонлари

КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ КАТТА МАҚСАДИ

Қаловини топсанг, қор ёнади дейишади. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ишбилармонлик билан фаолият кўрсатиш ниҳоятда зарур. Бу масала қисман бўлса-да, билим масканларига ҳам тааллуқли. Нега? Аввало, нарх-навонинг тўхтовсиз ўсиб бориши мактабларни ўқув-тарбия воситалари билан таъминлаш, биноларни таъмирлаш, ўқувчиларни касбларга йўналтириладиган фаолиятини йўлга қўйиш учун ашёлар етказиб бериш каби ишларни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Очиқроғи, бунга маблағ етишмаяпти. Нима қилиш керак? Мактабга қўшимча маблағларни қандай топиш мумкин? Бу масалалар айрим мактаблар ишбилармонларини аллақачон эътиборига тушди ва бу йўлда бир қатор тажрибалар ҳам мавжуд.

Қишлоқ мактабларида ер участкаларидан оқилона фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш, теракзорлар, мевали боғлар, экинзорлар, кичик чорвачилик комплекслари вужудга келтириш каби ибратли фаолиятлар вужудга келдики, буларнинг айримлари ҳозирдаёқ мактаб фондига даромад келтирмоқда. Шартнома асосидаги бу ишлардан унда иштирок этаётган ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам, мактаб ҳам манфаат кўраяпти. Мутахассисларнинг шарҳлашича, бу Ўзбекистон қишлоқ мактаблари учун зарур йўналиш бўлиб, ундан таълим-тарбия иши ҳар томонлама манфаат кўради. Биринчидан, ўқувчида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши меҳнатига муҳаббат ва кўникма ҳосил бўлади; иккинчидан, билим билан ишлаб чиқариш боғлиқлигини ўқувчилар амалда кўрадилар; учинчидан, маълум касб малакасига эга бўлиб, ишбилармонликни ўрганадилар.

Кейинги йилларда яна бир қувончли йўналиш — касб-ҳунар асосидаги кичик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам юзага келяпти. Уларнинг баъзилари оталиқ ташкилотлари базасида фаолият кўрсатаётган бўлса, баъзилари мактаб ишбилармонларининг мустақил фаолияти асосида иш юритмоқдалар.

Яккабоғ районидаги А. Авлоний номли мактаб устахонаси баъзасида «советафғон» қўшма корхонаси деб номланган цех ишлаяпти. Цехда 4 та гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилган. Бу ерда 16 киши ишламоқда. Гилам тўқувчилар ўқитувчилар, мактаб хизматчилари, ўқувчилардан иборат. Кўп ишлар — ип йигиришдан тортиб танда тайёрлашгача қўлда бажарилади. Шунинг учун йигирув ишларининг аксарияти хонадонларда адо этилаяпти. Бу эса уста йигирувчи қатори шу хонадондаги ва қўни-қўшниларнинг ўғил-қизлари ҳам бу ҳунарни ўрганишда «кўзи пишиши»га замин бўлаяпти. Айни пайтда бу жараён келгусида кичик корхонанинг катталаштириш режасидаги ишчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам ўзига хос омил бўлмоқда.

— Қўшма корхонамизда дастлабки фаолиятдаёқ 2 та гилам тайёрлаб чиқарилди, — деб ҳикоя қилади мактаб директори Ўрол Бегнаев. — Бу гиламлар чет элга валютага сотилади. Демак, мактабнинг кичик корхонаси маҳсулоти жаҳон бозорига чиқади. Бу ўқитувчи ва ўқувчиларимизга ҳам фахр-ифтихор, ҳам катта масъулиятдир. Районимизда бундай гиламлар тўқиш учун хомашё ва ишчи кучи мавжуд. Фақат эндиликда маблағ топиб, корхонани кенгайтириш зарур. Бундан маҳаллий аҳоли катта наф кўради, ўқувчиларимиз касб ўрганади, айни пайтда шерик сифатида мактаб фондига ҳам тушум тушади.

Директорнинг сўзларини тингларканман, у истиқболни ўйлаётганини, кичик корхона мисолида Ўзбекистон қишлоғининг келажагини кўраётганини ҳис қилдим. Зотан, бу миллий мактабнинг касбга йўналтиришдаги бир белгиси ҳам эмасми? Гап олинадиган фойдада эмас, мақсадга йўналтирилган тарбияда-ку, ахир!

Бу ўринда Зангиота райони (собиқ Калинин райони)даги 8-ўрта мактабда ташкил этилган сурат тайёрлаш цехини ҳам мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Цех қисқа муддат ичида шартнома асосида ишлаб, мактаб эҳтиёжидан ташқари 40 минг сўмлик маҳсулот сотди.

— Кичик корхонамиз фаолияти кўргазмали қуроллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган, — дейди мактаб директори Мақсуд Иброҳимов. — Бу ерда ҳаваскор суратқашлар ҳунар сирларини ўрганиш билан бирга буюртмалар бўйича туркум фотосуратлар тайёрлашда иштирок этадилар. Улар томонидан мактаб биология кабинетлари учун зарур бўлган ўқув қуролларидан «Ўзбекистон табиати» серияси тайёрланди. Булар бир неча қисмдан иборат бўлиб, «Қушлар», «Сут эмизувчилар», «Судралиб юрувчилар» тизим суратларини ташкил этади. Шунингдек, сурат цехимиз ва адабиёт фани кабинетлари учун А. Навоий, Бобур, А. Қодирий ва бошқа ёзувчилар суратли-кўргазмалар тизимларини ҳам тайёрлашаяпти. Бу борада цехимиз Тошкент халқ таълими бошқармаси билан ҳам яқиндан мулоқотда иш олиб бораяпти.

— Кичик корхонанинг келгусидаги режалари қандай? — сўрадик директордан.

— Буюртмалар кўп. Яқинда ўқитувчи ихтиролари бўйича ташкил этилган республика кўрик-кўргазмасида қатнашганимиздан сўнг буюртмалар миқдори янада ошди. Мисол учун Андижон вилояти халқ таълими ходимлари шартнома асосида «Бобур» буклетини тайёрлаб беришни сўрашди. Келгусида география ва тарих фанлари учун зарур бўлган «Шарқ мамлакатлари» тизимида буклет-тўпламлар ҳам тайёрлаш ниятимиз бор. Мазкур режанинг амалга ошиши учун фотоҳаваскорларимиз яъни кичик корхонамиз ходимлари ушбу мамлакатларда бўлишлари, керакли суратларни олишлари ва кўплаб тайёрлашлари лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ёрдами керак бўлади.

Муаммоларимиз ҳам кўп, — сўзини давом эттирди директор. — Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бизга суратлар учун қоғозлар, химикатлар, асбобускуналар топилиши қийин бўлмоқда. Шунингдек, цехимизни кенгайтириш ва ишни кенгроқ миқёсда ташкил этишда халқ таълими раҳбарлик идоралари ёрдам берадилар, деган умиддамиз. Чунки кичик корхонамиз фаолиятининг асосида фақат пул топиш эмас, балки мактаблардаги таълим-тарбия ишини яхшилашга хизмат қиладиган ўқув қуроллари тайёрлаш ётади.

Ҳа, мактаб кичик корхоналари фаолияти замирида мақсад бор. Бу мақсад ишбилармон кишиларнинг фойда топиш томонига кескин йўналмай, балки ёшларни касб-ҳунарли қилишга йўналса, таълим-тарбия ишига кўпроқ фойда келтиради, албатта. Бунинг учун мактаб кичик корхоналари ишини атрофлича ўрганиб, энг яхши тажрибаларни оммалаштириш, муҳими миллий мактабда касбга йўналтиришнинг асосий омили бўлган ана шу жабҳанинг илмий-амалий йўриқномасини ишлаб чиқиш ва фаолиятни дастурлар асосида ташкил этиш зарур. Бу масала Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ҳам эътиборини тортадиган бугунги кунинг долзарб иши, деб ўйлаймиз.

М. РАҲМОНОВ.

Олий таълим муаммолари

ГАП ФАҚАТ ШАКЛДАМИ?

Жумҳурият мактабларига педагог-мутахассислар етказиб беришда олий ўқув юртлари сиртқи бўлимларининг ҳам фаолияти беқиёсдир. Бироқ бу бўлимга кириб ўқиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Чунки унинг сермашаққатли ташвишлари, муаммолари, талабаликнинг ўзига хос хусусиятлари кундузги бўлимларникига нисбатан кўпроқ.

Суҳбатдошимиз Қарши давлат дорилфунунининг проректори Салом Ўроқович Ўроқов бугунги мусоҳабамизда сиртқи бўлимнинг афзалликлари, қувончлар ва тавишлар хусусида фикр юритади.

— Салом Ўроқович, сиртқи бўлим тушунчаси жойларда ҳамон...

— Фикрингизга тушундим. Кўп йиллардан буён сиртқи бўлимларда кундузги кулиётларга имтиҳон топшириб, мандатдан ўта олмаган абитуриентлар қабул қилинади деган тушунча ҳукмронлик қилиб келади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Тўғри, юқори балл тўплаб, мандатдан ўтолмаган абитуриентлар учун сиртқида ўқишга баъзи имтиёзлар йўқ эмас. Лекин асосий талабаликка қабул қилиш қондасига кўра, тўлиқ меҳнат фаолияти сақланган, танлаган мутахассислигига мос келса, шунингдек, педагогликка иқтидори бўлганларгина саралаб олинади.

— Иқтидор ҳақида гапирдингиз. Уни аниқлаш, бўлажак талабани танлашда қабул пайтининг ўзидаги қисқа вақт камлик қилмайдими? Ахир, иқтидорни бир соат ёки бир кунда аниқлаш, ҳар ҳолда осон бўлмаса керак.

— Тўғри, педагогика билим юртларимизда ҳам, олий ўқув юртларимизда ҳам масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор бермаслик туфайли муаллимлар шаънига анча-мунча ортиқча гаплар бўлди. Сир эмас, ҳозир жумҳуриятдаги исталган мактабда бўлсангиз, сиртқини тугатганларга нисбатан кўпроқ ишончсизлик билан қарашади. Сабаби аён. Вақтида шартномаларсиз, палапартишлик билан олий ўқув юртларига тўғри келган кишини қабул қилаверишнинг оқибати ана шундай ўринсиз гапларнинг юзага келишига бош омил бўлди, деб ўйлайман.

Энди мулоҳаза юритадиган бўлсак, гап талабанинг қайси бўлимни тугатганига эмас, балки унинг иқтидорига, касб танлашига бориб тақалади. Мана шу жиҳатдан қаралса, Қарши давлат дорилфунунида бу борада баъзи тадбирлар ишлаб чиқилган. Масалан, иқтидорли педагогликка ҳавасманд бўлган ўқувчиларни ёки билим юртини тугатган талабаларни танлашда вилоятдаги ноҳия халқ таълими бўлимлари билан тузилган шартнома бизга ёрдам беради. Дорилфунунимиз асосан, Қашқадарё вилояти учун турли соҳа мутахассисларини етказиб беради. Шартномалар асосида қабул қилишда корхоналар, ташкилот ва муассасалар билан ҳам алоқалар ўрнатилган.

— Сиртқида ўқийдиган талабалар учун алоҳида имтиёзлар ҳам борми?

— Бизда талабаларнинг барчасига ҳам бир хилда шарт-шароит яратилган. Тўғри, кундузги бўлимларда таҳсил олаётганларникига нисбатан сиртқида бироз бошқачароқ. Чунки ўқиш ва ўқитишнинг ўзи ҳам тузилиш жиҳатдан шундай бўлишини тақозо этади. Бироқ биз имкониятларимиздан келиб чиқиб сиртқида ўқийдиган талабаларимизга ҳам баъзи қулайликларни яратаяпмиз.

— Сиртқида таълим олувчилар бир йилда бор-йўғи қирқ кун ўқишади. Ахир, бу билан белгиланган ўқув дастурни ўзлаштириб бўладими? Айниқса, педагогикадек мураккаб ва машаққатли соҳада бундай «чегара» белгилаб қўйиш таълимдаги эскича услубнинг бир кўриниши эмасми?

— Узоқ йиллардан буён педагог сифатида мени ҳам бу муаммо ўйлатиб келади. Ҳақиқатдан ҳам тўғри. Таълимда чегараланиш деган нарса юзага келдими, демак, ўз-ўзидан билимсизликнинг шакланишига йўл очилмоқда деяверишмумкин. Лекин имкониятлардан келиб чиқиб баъзи йўриқларни ишлаб чиққанмиз.

Шунингдек, дорилфунунимиз мутахассислари, олимлар ва муаллимлар тез-тез ноҳияларда бўлишиб, ёш педагоглар билан ишлаш тўгаракларини ташкил этишган. Хуллас, шу тариқа айрим муваффақиятларга эришиб келаяпмиз. Назаримда, булар камлик қилади. Яна ким билади, дейсиз. Давр ўзгармоқда. Таълим услубларининг ҳам янги-янги қирралари очилиб бораётган бир пайтда, эҳтимол, сиртқи таълимнинг ҳам янгича йўриқлари қайтадан ишланиб чиқилар.

— Сиртқида таълимда муаммолар ҳам ўзига хос бўлса керак?

— Албатта-да, ҳозир, айниқса, иқтисодий танглик ҳукмронлик қилаётган бир пайтда қайси соҳада бўлмасин, муаммолар учраб туради. Лекин бундай муаммоларни ҳеч ким ҳеч ердан келиб ҳал этиб беролмайди. Фақат имкониятларни излаш билангина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Бизнинг дорилфунундаги сиртқи бўлимлар талабалари олдида ҳам талайгина муаммолар мавжуд.

Дорилфунун кенгаши бу масала юзасидан келажакда амалга оширилиши лозим бўлган айрим йўриқларни ишлаб чиққан. Насиб этса, яқин орада ана шу кўзда тутилган режаларни бажаришга киришиш ниятидамиз.

— Суҳбат учун ташаккур, Салом Ўроқович!..

А. ҲАҚБЕРДИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АЙРИМ РАЙОНЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Киров районининг номи Юнусобод, Куйбишев районининг номи Мирзо Улуғбек, Ленин районининг номи Миробод, Октябрь районининг номи Шайхонтаҳур ва Фрунзе районининг номи Яккасарой деб ўзгартирилсин.

2. Куйбишев районининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

САМАРҚАНД ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДАГИ АЙРИМ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРНИНГ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг илтимослари қондирилиб, Самарқанд вилоятидаги Красногвардейск шаҳрининг Булунғур деган, Фарғона вилоятидаги Киров районининг Бешариқ, Ленинград районининг Учкўприк, Фрунзе районининг Данғара деган тарихий номлари тиклансин;

Самарқанд вилоятидаги Большевик районининг номи Гўзалкент райони, Советобод районининг номи эса Нуробод райони деб ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ИЛЬИЧ РАЙОНИНИНГ НОМИНИ ШАРОФ РАШИДОВ РАЙОНИ ДЕБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Сирдарё вилояти ҳокимининг илтимоси қондирилиб, Ильич районининг номи Шароф Рашидов райони деб ўзгартирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ГУРЛАН, ХОНҚА, ШОВОТ, ҚУШКЎПИР ВА ҲАЗОРАСП ШАҲАРЛАРИНИ ШАҲАР ПОСЕЛКАЛАРИ ТУРКУМИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

Хоразм вилояти ҳокими, халқ депутатлари Гурлан, Хонқа, Шовот шаҳарлари кенгашлари ҳамда Қўшкўпир, Ҳазорасп районлари кенгашларининг илтимослари қондирилиб, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар: Гурлан районининг маъмурий маркази Гурлан, Хонқа районининг маъмурий маркази Хонқа ва Шовот районининг маъмурий маркази Шовот шаҳарлари ва шунингдек, районга бўйсунувчи шаҳарлар: Қўшкўпир районининг маъмурий маркази Қўшкўпир ва Ҳазорасп районининг маъмурий маркази Ҳазорасп шаҳарлари шаҳар посёлкалари туркумига ўтказилсин.

Илгари Гурлан шаҳри таркибига киритилган Пахтачи аҳоли пункти Гурлан районининг Олға қишлоғи таркибига, Сахтиён аҳоли пункти Сахтиён қишлоғи таркибига ва Ярмиш аҳоли пункти Эшимжийрон қишлоғи таркибига;

илгари Шовот шаҳри таркибига киритилган Арбоб ва Большевик аҳоли пунктлари Шовот райони Шовотқалъа қишлоғи таркибига, Ипакчи ва Қазувчи аҳоли пунктлари Хитой қишлоғи таркибига, Тожикёп ва Қулли аҳоли пунктларининг шаҳарга киритилган қисмлари Қиёт қишлоғи таркибига, Хидирали аҳоли пункти эса Шовот районидаги Чиғатойқалъа қишлоғи таркибига;

илгари Хонқа шаҳри таркибига киритилган Маданийер ва Олға аҳоли пунктларини Хонқа районидаги Хоразм қишлоғи таркибига;

илгари Қўшкўпир шаҳри таркибига киритилган Янгиёп аҳоли пункти Қўшкўпир районидаги Кенагас қишлоғи таркибига, Янгилик аҳоли пункти эса Янгилик қишлоғи таркибига қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 май.

НАЗАРИЙ БИЛИМ СИНОВИ

Наманган ноҳияси халқ таълими бўлими методика хонаси (мудири Ҳ. Қорабоев) ташаббуси билан яқинда ноҳия марказидаги Маданият саройида ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида «Ким билағон?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Кўрикнинг ҳал қилувчи босқичида 2, 17, 23, 32-ўрта мактабларнинг жамоалари ўзаро баҳслашдилар. Шунинг муҳимки, жамоалар таркибида мураббийлар билан бир қаторда аълочи ўқувчилар ҳам қатнашиб, назарий билимларини синаб кўрдилар. Танлов якунига кўра 32-ўрта мактаб вакиллари ғолиб бўлишди.

Б. ҚУШМОНОВ.
Наманган вилояти.

Кун тартибида нафосат тарбияси

Шаҳрисабз қадимдан илм-фан, маданият ва санъат ривожига катта таъсир кўрсатган шаҳарлардан бири сифатида машҳур. Бу ерда, айниқса, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик, амалий санъат гуллаб-яшнаган. Шаҳрисабз ана шундай тарихий шуҳрати билан кўпчиликнинг эътиборини тортиб келмоқда. Шу сабабли вилоят ва жумҳурият миқёсидаги кўпгина тадбирларни ўтказиш учун шу шаҳар танланаётгани бежиз эмас. Яқинда бу ерда жаҳонгир Амир Темур таваллудига бағишлаб республика илмий анжумани ўтказилган эди. Орадан кўп ўтмай бу ерда вилоят халқ таълими бошқармаси ва Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси ташаббуси билан «Ўқувчиларга нафосат тарбиясини сингдиришнинг муҳим омиллари» мавзусида кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда қатор вилоятлар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари тасвирий санъат-чизмачилик кабинети мудирлари, Қашқадарё вилоятидаги ўқув даргоҳларида меҳнат қилаётган энг малакали ва ижодкор тасвирий санъат ҳамда мусиқа муаллимлари иштирок этишди.

Кенгаш муносабати билан Шаҳрисабз шаҳар ўқувчилар саройида мусаввир муаллимлар ижодий ишлари кўрик-кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан ўқитувчиларнинг 500 дан ортиқ энг яхши ижод намуналари ўрин олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусаввир ўқитувчиларнинг илк бор ташкил этилган ижодий ишлари кўргазмаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Муаллимлар орасида ниҳоятда, истеъдодли мўйқалам соҳиблари, наққошлар, кулолчилик, ёғоч, ганч ўймакорлиги санъатини яхши эгаллаган ўқитувчилар борлиги маълум бўлди. Бадиий жиҳатдан энг яхши ишлари учун мусаввир муаллимлардан Шаҳрисабз ноҳиясидаги Охунбобоев номли 2-мактаб-интернат ўқитувчиси Саъдулло Раҳматуллаев («Қиш» ва «Сой манзаралари»), Шаҳрисабз ноҳия халқ таълими бўлими методисти Лутфулло Каримов («Бўрчмулло»), Шаҳрисабз педагогика билим юрти ўқитувчиси Акбар Қурбонов («Қиш», «Муҳаббат»), шунингдек, халқ амалий санъатига доир ижодий ишлари учун Шаҳрисабз шаҳридаги Жомий номли мактаб ўқитувчиси Қаҳрамон Ўролов, Қарши шаҳридаги Ф. Хўжаев номли мактаб муаллимаси Раъно Сайфутдинова, Шаҳрисабз шаҳар педагогика билим юрти муаллими Шокир Ҳамидов ғолиб деб топилдилар.

Тасвирий санъат ва мусиқа ўқитувчилари дастлаб икки шўъбага бўлиниб, ўз соҳаларига доир маърузаларни тингладилар. Шундан сўнг кенгашнинг ялпи йиғилиши бошланди. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти узлуксиз бадиий таълим бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди, жумҳурият тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси президенти Р. Ҳасанов «Ўзбекистон мактабларида бадиий таълим концепцияси» мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг вилоят тасвирий санъат муаллимлари уюшмасининг раиси Ж. Жиловвонинг «Вилоят мактабларида тасвирий санъат ўқитилишини яхшилашда уюшма фаолиятининг ўрни» тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Яккабоғлик М. Ботиров, косонлик О. Норсубхонов, шаҳрисабзлик П. Ҳақназаров, деҳқонободлик Д. Тошпўлатовларнинг ўз иш тажрибалари юзасидан маърузалари ҳам тингловчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Бадиий ижод кўриги якунига кўра 6 нафар ўқитувчи бошқарманинг I даражали дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. 16 нафар ўқитувчи жумҳурият тасвирий санъат муаллимлари уюшмасининг фахрий ёрлиғи билан, 8 ўқитувчи эса уюшманинг пуллик совғалари билан мукофотланди.

Мухбиримиз.

АКС САДО

ДИЛДАН ЧИҚҚАН САТРЛАР

Бирор мақолани ёзиш ёки нашрга тайёрлаш пайтида кўз ўнгимизда ўқувчи намоён бўлади. Ҳолбуки, рўзнома ҳам, ундаги мақола ҳам муштарий учун чиқарилади. Агар кўп меҳнатлар эвазига ёзилиб, «чиғириқ»лардан ўтказилиб, рўзнома юзини кўрган бирон-бир мақола газетхонда қандайдир меъёрда фикр уйғота олса, бу журналистнинг ютуғидир. Рўзномамиз саҳифаларида чиқаётган кўпгина мақолаларга нисбатан акс-садо сифатидаги хатлардан олиб турибмиз. Бу кўрсаткич рўзномамиз муштарийларни бефарқ қолдирмаётганидан далолат беради.

Қуйида таҳририятимиз хат қутисига келган акс-садо сифатидаги айрим хатлардан сатрлар эълон қиламиз.

Тельман Нажмиддинов, Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳиясидаги 38-ўрта мактаб директори:

«Рўзноманинг 1992 йил 4 февраль сонидаги «Мозий калити» сарлавҳали мақолани ўқиб ҳайрон қолдик. Мақоладаги 38-мактаб муаллимлари эски ўзбек ёзувини фан сифатида ўқитмаслик ҳамда тилимизда эскирган сўзларни қайта тикламаслик тарафдори» ҳамда «муаллимларимиз, халқимиз, маданиятимиз, тилимиз тарихидан тўлиқ хабардор эмасга ўхшайдилар», деган сатрлар мактабимиз муаллимларини ажаблантирди. Ўқув даргоҳимиздан жуғрофия ўқитувчиси Холбой Ҳаққулов ҳамда районимиздаги 32-мактабдан Эшмон Қулмоновларнинг сизларга нотўғри хабар ёзганлари аниқланди. Шуни айтиш керакки, мақолада билдирилган фикрлар асло мактаб жамоасиники эмас. Мақола муаллифлари бунинг учун муаллимлар гуруҳидан узр сўрашди».

М. Норбоев, Сирдарё вилояти Гулистон ноҳиясидан:

«Рўзноманинг 1991 йил 7 декабрь сонида ёритилган «Инқирознинг илдизи қаерда?» сарлавҳали мақола мени қалам тебратишга мажбур этди. Сирасини айтганда, муаллифлар халқ таълимининг оқсоқланиб қолишида юқори ташкилотларнинг айбларини ҳайиқмасдан, дангал санаб ўтишган. Буни қутламоқ керак.

...Кичик қизим ўрта мактабни тамомлаб, педагогика билим юртига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди, лекин уни билим юртига қабул қилишмади. Аниқ биламан: пора берганлар ўтиб кетишди. Мана, инқироз қаердан бошланади...».

Доно Усмонова, Тошкент давлат педагогика институти филология куллиётининг IV курс талабаси:

«Маърифат»нинг 1991 йил 21 ноябрь сонида эълон қилинган «Чиғириқ» сарлавҳаси остидаги мақола юракларимни ларзага келтирди. Жабрланувчи Суннат Боймуродовнинг ноҳақ қамалиши, унга нисбатан уюштирилган тазйиқлар ҳозирги яшаб турган замонамизда содир бўлганига ишонгим келмайди. Наҳотки, пул, мансаб учун худонинг бир бандасини шунчалик азоблашса. Мен Суннат аканинг расман тўлиқ оқланишига тарафдорман»...

Аҳмад Юсупов, Сурхондарё вилояти Гагарин ноҳиясидан, маориф ходими:

«Рўзноманинг шу йил 14 январь сонида эълон қилинган «Дарсликлар: муаммо, таҳлил, таклиф» номли суҳбат-мақолада биз учун энг керакли фикрлар айтилган.

Ўрни келгани сабабли шундай таклиф билдирмоқчиман: бошланғич синфларни дарслик билан таъминлашни ҳар тўрт йилда 190—200 фоизга етказиш лозим. Бу ишни 9—11-синфлар дарсликларини ҳар тўрт йилда 20—25 фоиз қисқартириш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Чунки 1—4-синфлар учун 25 номда, 9—11-синфлар учун эса 53 номда дарслик нашр қилинади».

Раҳмон Сандмуродов, Қорақалпоғистон республикаси, Амударё ноҳиясидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси:

«Ўқитувчи ҳозирги пайтда дарс ўтишдан кўра ўқувчини ушлаб туришга, зериккан ўқувчилар диққатини дарсга жалб қилишга кўпроқ вақт сарфламоқда» — бу фикрлар рўзноманинг шу йил 28 январь сонида эълон қилинган «Мактаб — келажак пойдевори» сарлавҳали мақоладан олинди. Ушбу гапга қўшилмай бўлмайди. Ҳолбуки, ўқувчининг ички бир туйғу билан мактабга интилишини юзага келтирмай туриб, дарс самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Бунинг учун, аввало, мактабларни миллийлаштириш, дарс ўтишнинг янгидан-янги, қизиқарли шакл ва услубларини қидириб топиш, ўқув дастурларини тузишда эса маҳаллий шароитларга асосланиш зарур бўлади. Хуллас, таълимнинг муниципал услуби бизни инқироздан олиб чиқади».

С. Маҳкамов, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтининг кечки мактаб раҳбарлари малакасини ошириш кабинети мудири:

«Рўзноманинг ўтган йил 3 декабрь сонида «Кечки мактаб керакми?» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Бу мақоланинг дастлабки эътиборни тортадиган хусусияти шундаки, мақолада кўтарилган муаммолар ҳақида нимагадир жуда кам фикр юритилади. Ахир, кечки мактабнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор-да.

...Эндиликда кечки мактабнинг самарали фаолият кўрсатиши бевосита педагогик кадрларнинг, айниқса, мактаб раҳбарларининг тайёргарлик даражасига кўпроқ боғлиқ. Бинобарин, уларни узлуксиз таълим тизимларидан бирига қўшиш зарур».

Дилором Ҳакимова, Андижон вилояти Пойтуғ шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«Шу йилнинг 18 январида рўзномамизда «Таълимнинг концептуал асослари» сарлавҳали мақола ёритилди. Унда илгари сурилган фикрларга тўлиқ қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги таълим услуби, мазмуни, мавжуд дарсликлар талабга жавоб бермайди. Китоблардаги ёзувлар, безаклар болалар эътиборини тортмайди. Биз эса мактабда юрганимиз учун ўқувчилар эҳтиёжини яхши биламиз. Болалар дарсликларда рангли расмлар, ўйинли топишмоқлар, бошқотирма машқлари кўпроқ бўлишини исташади.

1-синф «Алифбе» китоби болалар учун оғирлик қилаяпти. Менимча, биз Оқилхон Шарафуддиновнинг «Алифбе»сига қайтишимиз керакка ўхшайди. Чунки бу китобдаги расмлар қизиқарли, сўз ва гаплар, ҳикоялар содда, катта ҳарфларда ёзилган бўлиб, бола уларни ўқишга қийналмайди».



Ёш муаллима Мавжуда Юсупованинг Тошкент шаҳридаги 141-мактабда фаолият кўрсатаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у қисқа фурсатларда ўқувчилар қалбида риёзиёт фанига нисбатан муҳаббат туйғуларини уйғота олди.

Тасвирда: М. Юсупова 8-синф ўқувчиларига навбатдаги дарс мавзуини қўшимча материаллар ёрдамида батафсил тушунтираётир.

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Б. Тошматов Янгийўл ноҳия халқ таълими бўлимида узоқ йиллар раҳбарлик қилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Нафақахўр бўлса-да, ўз ҳаётини ҳанузгача мактабсиз тасаввур қилолмайди. Худди шунингдек, Т. Бойбеков ҳам қирқ йил бурун мактабга муаллим бўлиб келганди. Изланувчан мураббий ҳамон педагоглар сафида. Дарвоқе, ҳозир у Ўртачирчиқ ноҳиясидаги 18-ўрта мактабда директорлик қилади.

Айниқса, Тошкент вилояти педагоглари орасида Ш. Шоумаров, Л. Новиковалар ўзлари яратган мактаб билан алоҳида ажралиб туришади. Тошкент ноҳиясидаги 9-мактаб ўқитувчиси, байналмилал жангчи О. Маҳмудовнинг педагогикага кириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин таълим беришда унинг ўз йўли, ўз услуби бор. Юқорида номлари келтирилган педагоглар сингари уруш кўрганлар, ҳар жиҳатдан тажриба орттирганлар Тошкент вилоятида кўпчиликни ташкил этади.

Куни кеча ана шу ветеранлар Тошкент вилояти касаба уюшмасининг ташаббуси билан «Саодат» кафесида тўпландилар. Улар иқтисодий шароитнинг оғир аҳволдалигига қарамай, Ғалаба кунини нишонлашди.

— Бугунги йиғинимиздан жуда хурсандман, — дейди вилоят касаба уюшмасининг раиси В. А. Ўрмонов. — Оғир йиллар бидан қанчалик йироқлашаётган бўлса, шунчалик ветеранларимиз ҳам камаймоқда. Лекин шунга қарамай кўплаб ташкилотларнинг уруш қатнашчиларини бир ерга тўплашга, улар билан юзма-юз туриб ҳамфикр бўлишга имкон яратиб берганликларидан миннатдормиз.

— Биз бўлиб ўтган ҳар икки урушни ҳам унутолмаймиз, — дейди майор К. Холиқов байналмилал жангчиларга қарата. —Дарвоқе, Улуғ Ватан уруши бошланганда у взвод саркори бўлиб, тўрт бор оғир яраланган, 1946 йил она қишлоғига қайтгач, шу кунгача Чирчиқдаги индустриал техникумда ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Хуллас, «Саодат» кафесида бўлиб ўтган учрашув ветеранларда катта таассурот қолдирди.

Мухбиримиз.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФИДОИЛАРИ

ТАЪЗИМ

ёки кекса ўқитувчилар фаолиятига бир назар

Тошкентдек шаҳри азимнинг Катта Қаъни маҳалласида ажиб бир тадбир ўтказилди. Кеча: «Устозлар сарбонига таъзим» деб номланган бўлса-да, Улуғ Ватан уруши йилларидан тортиб халқ маорифи тизимидаги бугунгача бўлган кечмишлару мактаб таълим-тарбиясида жафокашлик қилган муаллимлар фаолиятини бўй-басти билан ифода этишга қаратилди.

Шуниси диққатга сазоворки, мусулмон урф-одатлари, анъаналари ташвиқи кеча қаҳрамони — уста педагог Эргаш Камолов фаолияти орқали осонроқ тушунтириб ўтилди.

Хўш, Эргаш Камолов ким? Бир сўз билан айтганда, у — ўқитувчи. Батафсилроқ айтсак, халқ ўқитувчиси. Нўғайқўрғон маҳалласида деҳқон оиласида туғилиб ўсган. Отаси — Юсуфхўжа ўғли Камол. Назира отин ойи Исмоил қизи ўғил ҳадя этганида, унга Эргаш дея исм қўйдилар. Бир гапни аввалдан айтиб қўя қолайлик, Эргашбой отаси каби меҳнаткаш, камсуқум бўлса-да, онасига тортди, билимга иштиёқли маърифатпарвар бўлиб етишди.

Эргаш биринчи синфга қатнай бошлаган сентябрь ойининг дастлабки кунларида бир ҳодиса рўй бериб, мурғак қалб муаллим ва синфдошлари ҳузурида сал уялиб қолди. Бу воқеани мактаб ўқитувчилари саҳна санъати орқали қизиқарли намойиш этдилар.

...Синф хонаси. Дарс бошланган. Ўқитувчи Тўра Тўлаганов йўқлама қила бошлади. Дарсга фақат Эргаш Камолов келмагани маълум бўлганда, эшик очилиб:

— Мумкинми? — дея Эргаш кўринди.

Ўқитувчи: — Эргашвой, бундай кечикиб келадиган одатинг йўқ эди-ку! Ё тобинг қочиб қолдими? Уйдагилар яхшими, тинчликми?

Эргаш: — Устоз, мен ҳалиги... эрта билан туриб, томорқамиздан қўйларимга ўт юлаётган эдим. Шу пайт кўзим чумолилар инига тушиб қолди. Уларни кузата бошладим. Улар-чи, устоз, худди одамлардек бир-бирлари билан кўришишар, бир-бирларига йўл беришарди. Ўтни юлиб бўлгач, уни қўйларимга солдим. Мактабга шошилдим.

Ярим йўлга келганимда бўйнимда бир нима ғимирлади. Қўлимга олиб қарасам, ҳалиги чумолилардан бири эди. Мен уни ерга ташлаб юборсам, у оёқ остида ўлиб кетади ё тўпидан ажралиб, сарсон-саргардон бўлади, деб ўйлаб қолдим. Кейин уни тўпига қўшиб келдим. Сўнг қанча ҳаракат қилсам ҳам дарсга кечикиб қолдим.

Кечиринг устоз... Кечира қолинг.

Ўқитувчи (хаёлан, ўзи билан ўзи гаплашаётгандек): — Мурғаккина бир вужудда шунчалар меҳр-шафқат, катта қалб. Кичкинагина бу гавда катта қалбни қандай кўтарар экан-а. (Залдаги одамларга қарата мурожаат қилади). — Эй, бир-бирига тош отувчи кимсалар, меҳрмурувватни, одамийликни ҳеч бўлмаса шу гўдакдан ўрганинг.

Ўқитувчи (ўқувчиларга қарата); — Болаларим, сизлар ҳам Эргашвойдек меҳрли, шафқатли бўлинглар. Одамлар у ёқда турсин, ҳатто чумолига ҳам озор бермаглар. Мен Эргашвойнинг адаси Камол акани яхши биламан. У киши ҳам виждонли, имонли, камтар ва раҳмдил одам. Демак, яхши фазилатли кишиларнинг фарзандлари ҳам яхши бўлади. Имоним комилки, Эргашвой ҳам ота-онаси каби яхши инсон бўлади...

Бу лавҳани шарҳлашга ҳожат йўқ. Ўқитувчилар яхши сўз, ибрат орқали тарбиявий иш олиб боришига оид бу мисол мусулмончилик руҳи билан суғорилгани учун кечага тўпланганларда яхши таассурот қолдирди. Биринчидан, ўқитувчи сиймоси намоён бўлди. Иккинчидан, яхшилик оддий ҳаётий мисол орқали тарғиб этилди. Учинчидан, Акмал Икромов районидаги Аҳмад Яссавий номли 203-ўрта мактаб жамоасининг ёш педагоглари устоз ўқитувчига бўлган меҳрини ўзлари ижро этган роллар орқали самимий ифода қила билдилар.

Дарҳақиқат, Эргаш Камоловнинг бу мактаб жамоаси, бу атрофдаги маҳаллалар аҳолиси, ота-оналар, ўғил-қизлар орасидаги обрўси баланд. Бу обрўга у шахсий ибрати, яхши фазилатлари, меҳнаткаш ва хушмуомаласи билан сазовор бўлган. Ахир у шу мактабда 50 йилдан буён муттасил ишлаб келмоқда.

Домла 65 умр баҳорини нишонламоқда. Муаллимликни ҳам эрта бошлаган. 8-синфни битирганида Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. 9-синфни наридан-бери тугатди. Чунки ўқитувчиларнинг кўпи фронтга сафарбар қилинганди . Ёшгина Эргашнинг юмшоқ кўнгли эзгуликка даъват этди. Ўзидаги озгина билимни мурғак қалбларга бахшида этиш нияти туғилди. Бу ният қатъий аҳдга айланди. Борабора ушбу аҳд бурч бўлиб қолди. 1943 йил ноябрь ойида Эргаш ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлов курсига боради. 1944 йил мартида курсни тугаллайди.

Бу вақтда у йигитлик бурчини ўташ муддати ҳам етиб келди. Ёш ўқитувчи район ҳарбий комиссариатига борганида, раъйини қайтаришди:

— Ҳозирги шароитда, — дейишди комиссариатдагилар, — болаларга таълим-тарбия бериш фронтдаги бурчни бажаришдан кам эмас. Сизни армияга олмаймиз, ололмаймиз.

Устоз сарбонига таъзим қилаётган талабалар унинг таржимаи ҳолидаги бу нуқтани биландилар, тўғрироғи, ҳарбий комиссариатдан қайтариб юборишганини эшитгандилар. Шунинг учун педагоглик фаолияти 50 йиллиги тантанасида қутлаган шогирдлардан бири мана бундай мурожаат қилгани табиий: «Эргаш домла, устозгинам, ҳеч афсусланманг. Ахир ўша даврда Сиз илмга чанқоқ қанчадан-қанча ёш ниҳолларни ўз билимингиз чашмасидаги шаффоф сувдан баҳраманд этдингиз. Мана энди Сиз ўстирган ўша ниҳоллар мева беряпти. Шогирдларингиз ёнингизга кирди, кўпи қўлингиздан ишингизни олди, шукр қилинг».

Нафсламбирини айтганда, домла бу тантанада бир ҳумордан чиқди. Шогирдлари — профессор Карим Назаров, фан номзоди, доцент Қобил Қодиров, агроном Саттор Ғуломов, врач Мавжуда Алимова, шу мактаб директори Қодиржон Эгамбердиев, тарихчи Азимбек Тўхтабеков, педагоглар Икромжон Акромов, Ахборхон Ҳайдаров, Ўткир Муталов, Аҳидахон Тожихўжаева ва бошқалар қутлашди. Улар совға топшириб, саруполар кийдирганларида Эргаш Камолов ёшариб кетгандай бўлди.

Мана, кўринг бир шогирди
катта олим бўлибди,
Яна бири қаламкашлик
удумини олибди,
Қай бирини санаб етай,
Сиз ўстирган шогирдлар
Ҳатто ойга қўнмоқ учун
узун нарвон қилибди.

— Домла олий ўқув юртида ўқимаган, лекин у шунча билимни қайдан олган, — дегувчилар ҳам учраб туради. Уларга шуни маълум қилиб қўйиш керакки, илмга чанқоқ, ўз устида қунт билан ишлаган зиёлининг билими ортиб бораверади.

Домла кўп китоб ўқийди, дарсга тайёрланаётганда қўшимча адабиётлардан кенг фойдаланади. Ўзига хос дарс ўтиш услуби бор. Буни мактаб дейдилар. Услубий мактаб яратган педагог Э. Камолов бола-чақали бўлганда сиртдан ўқиб, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини тугатганини баъзилар билмаслиги мумкин. Чунки у ёзги ва қишки таътил кезлари — ҳамма ўқитувчилар курорт, санаторийларда юрганда институтда имтиҳон топширар эди...

Донолар далолатича, дунёда одамдан учта нарса — яхшилик, яхши фарзанд ва яхши шогирдлар қоларкан. Эргаш Камолов педагоглик фаолиятига чуқурроқ назар ташланса, у ҳаммасига улгурди. Катта Қаъни маҳалласининг каттадан-кичиги домла-домла дея бошга кўтаради. Билимдонлиги, камсуқумлилиги, болалар кўнглига йўл топа олишини ибрат қилиб кўрсатишади. Яхши фарзандлар етиштирди — икки қиз, икки ўғил, отанинг шаън-шавкатига гард юқтирмайди.

Хўш, бир муаллимга яна нима керак! Ҳа, айтиб қўяйлик, Нўғайқўрғон маҳалласидан қатнаб ишларкан, бахтини ҳам шу ердан — Катта Қаъни маҳалласидан топди. Одми қишлоқ қизи Меҳринисонинг меҳнаткашлиги, оқила ва уй юмушларида тадбиркорлиги Эргаш муаллимга маъқул келди. Қиз томон кўп таранг қилмади. Чунки бўлғуси куёв ҳар қандай синовлардан аллақачон ўтиб бўлган, суриштиргудек жиҳати йўқ эди. Шуниси қизиқки, Меҳринисо билан тўйлари ўтгач, Эргаш домла тезда мактаб илмий бўлим мудирлигига тайинланди. Бу лавозимда анча ишлади. Кейин директорликка лозим кўрилди. Шунинг учунми, Эргаш домла Меҳрихон аяни эркалатгиси келса, «у — менинг бахтим» дейишни жуда хуш кўради.

Фидойи меҳнат тақдирланиши керак. Шундай эмасми? Сирасини айтганда, Эргаш Камолов халқ маорифи аълочиси! Район, шаҳар, республика халқ маорифи мутасаддилари бу ҳақда ўйлаб кўришар. Лекин бизга қолса, Эргаш муаллим тенгдошлари орасида энг серунвон одам. Шогирдларга ардоқли устоз, маҳалла-кўйда иззатли, фарзандларига ота, набиралларига бобо, қудалар даврасида ҳурмати жойида. Оилада тадбиркор рўзғорбоши.

Мактаб жамоаси «Устозлар сарбонига таъзим» деб номланган кечага бош қаҳрамон қилиб Эргаш Камолов шахсини танлагани сабабини энди тушунгандирсиз. Бир ўзбек зиёлиси ҳаёти ва фаолияти тимсоли орқали мустақиллик нашидасини сура бошлаган танти ўзбекнинг баъзи хусусиятлари ёритиб берилгани маҳалладошларда, педагоглар жамоасида, ёшларда, шогирдларда яхши таассурот қолдирди.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Ҳозирги замон бозори эркин рақобат давридаги бозордан ҳамда айрим тармоқларда картеллар ва трестлар ҳукмронлик қилган ХХ аср бошларидаги бозордан анча фарқ қилади. Ривожланган мамлакатларда «аралаш иқтисодиёт» мавжуд бўлиб, унда кўз илғамас бозор механизми ва давлат йўли билан тартибга солиб туриш айни вақтда амал қилмоқда. Бозор механизми кўпгина соҳадаги нархларни ва ишлаб чиқаришни белгилайди, давлат эса иқтисодиётни, бозорни солиқлар, харажатлар, кредит сиёсати, дастурлар тузиш воситаси билан тартибга солиб туради. Бозор йўли билан ва давлат йўли билан тартибга солиб туришнинг ҳар икки жиҳати зарурийдир. Чет элларда кенг машҳур бўлган «Иқтисодиёт» дарслигида образли қилиб айтилганидек, у ёки бу томони бўлмаган иқтисодиётини бошқариш бир қўл билан чапак чалишга уринишдек гапдир.

(Бошн ўтган сонларда).

Компаниялар даражасида тартибга солиш ҳам бозорга таъсир кўрсатади. Компаниялар иқтисодий ахборотни (товарлар, нархлар тўғрисидаги, талабнинг ўзгариши ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотларни) тўплаш, ишлаш ва ёйишнинг замонавий техникаси ва усулидан фойдаланмоқдалар. Бошқаришнинг янги назарияси ва практикаси — маркетинг кенг ёйилмоқда. Маркетинг бозор талабларини, харидорларнинг товарлар ва хизматларга бўлган реал талаблари ва истеъмолни ўрганишга қаратилгандир.

Ҳозирги замон бозор тизими бозор стихиясини бартараф этмаса-да, уни бошбошдоқлик ва тартибсизлик тизими деб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти — товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар фаолиятини уйғунлаштиришга қаратилган пухта механизмдир. У жамият билан бирга ривожланади. Цивилизация ривожланиши билан бозор ҳам маданийлашиб боради.

Бозор нархлари динамикасини, ишлаб чиқаришнинг қиёсий фойдали ёки зарарли бўлишини иқтисодий ривожланиш тартибга солиб туради. Аммо «сўқир рақобат» унсурлари (бунда аввал маҳсулот ишлаб чиқарилади, сўнгра харидор изланади) чекланган қўламдагина сақланиб қолган. Ҳозирги замон бозорида ишлаб чиқаришни ўзларига маълум бўлган истеъмолчига мўлжаллайдиган, улар билан маҳсулотнинг миқдори, сифати, тури ҳақида олдиндан шартнома (битим) тузиб олган йирик фирмалар ҳукмронлик қилади. Шу сабабли замонавий бозорни уюшган, «битимли» бозор деб аташади. Оммавий талаб, унинг йўналишидаги ўзгаришлар пухта ўрганилади. Йирик фирмалар ва давлат органларининг бирлашмаси қиладиган ҳаракатлари билан бозор стихияси чекланади, иқтисодий муносабатлар онгли уюштирилган тус олади. Шу билан бирга ғарбий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, тартибга солишнинг режали ва бозор унсурларининг қўшиб олиб борилиши иқтисодиётга баланс ва мутаносибликнинг бузилишидан ҳоли бўлишга кафолат бермайди. Ҳар бир конкрет тарихий вазият учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини қўшиб олиб боришнинг энг мақбул усулини қидириб топиш зарур бўлади.

1. Бозорнинг асосий белгилари қандай?

2. Бозор хўжалигида иқтисодий қонунлар қай тариқа амал қилади?

3. «Бошқариладиган бозор»нинг маъноси нима?

4. Замонавий бозорнинг хусусиятлари қандай?

21. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва сифати, аҳолининг турмуш даражаси жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ҳолатига боғлиқ. Ҳозирги замон шароитида улар фан-техника революцияси таъсири остида сифат жиҳатдан ўзгармоқдалар.

Фан-техника революцияси. Рўй бераётган жараён номининг ўзиёқ гап босқичма-босқич текис ўзгаришлар ҳақида эмас, балки «сакраш» ҳақида, бир сифат ҳолатидан иккинчи ҳолатга ўтиш тўғрисида бораётганидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, узоқ вақт давомида нисбатан сусткашлик билан рўй берган фан-техника тараққиёти бизнинг давримизда жадал тус олди.

Масалан, шахсий компьютерлар 70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошларида вужудга келди, 1989 йилда эса АҚШда 30 миллион шахсий компьютердан фойдаланилди. Бу «ақлли машина» оммавий тарқалиши ва ундан оммавий фойдаланишга ўтиш учун ҳаммаси бўлиб 10 йил керак бўлди!

Сўнгра, бу революциянинг номи шуни кўрсатадики, у техника соҳасинигина эмас, балки илм-фан соҳасини ҳам қамраб олади. ХХ аср 50-йилларининг ўрталарида техника илмий билимларнинг ҳал қилувчи таъсири остида ривожлана бошлади. Илм-фан моддий ишлаб чиқариш йўлларини кўрсатувчи янги ғояларнинг доимий манбаига айланмоқда. У бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланмоқда. Моддаларнинг атом ва молекуляр структураси соҳасидаги кашфиётлар янги материаллар ишлаб чиқаришнинг асосларини яратди: кимё соҳасидаги муваффақиятлар хоссалари олдиндан белгиланган моддалар яратиш имконини берди; қаттиқ жисмлар ва газлардаги электр ҳодисаларининг ўрганилиши электрониканинг вужудга келиши учун асос бўлди; атом ядроси структурасини татбиқ этиш атом энергиясидан фойдаланиш учун йўл очиб берди; математиканинг ривожланиши туфайли ишлаб чиқаришни ва бошқарувни автоматлаштириш воситалари яратилди.

Техника билан бир қаторда революцион ўзгаришлар технологияда, яъни хомашёга, материалларга меҳнат предметига таъсир кўрсатиш усулларида ҳам рўй бермоқда. Олимлар шундай хулосага келдиларки, ишлаб чиқаришда ахборот-интенсив технологиялар ва янги технология тафаккури ҳал қилувчи роль ўйнаб, машиналар замонавийроқлари билан шунчаки алмаштирилибгина қолмай, ишлаб чиқариш принциплари ўзгаришига ҳам олиб бормоқда.

Меҳнат предмети, яъни ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишланадиган материаллар сифат жиҳатдан ўзгармоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, физика ва кимё ютуқлари билан боғлиқдир. Янги конструкция материалларининг яратилиши магнит, сопол, оптик материалларга муҳтож бўлган, шунингдек, тақчил минерал, хомашёга муҳтож бўлган замонавий технологияларнинг талаблари билан боғлиқдир. Бизнинг давримизда яратилган пластмасса ва синтетик тола автомобиль, кемасозлик, аэрокосмик саноатда, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Пўлат қувурлар ўрнида мустаҳкамланган пластмассалардан фойдаланиш АҚШ нефть саноатида металлнинг занглашидан кўриладиган зарарни тугатиш ҳисобига йилига 2 миллиард доллар тежаб қолиш имконини берди. Ниҳоятда юпқа кимёвий қопламалар электрон приборларнинг турли деталларини такомиллаштириш имконини бермоқда, ундан кимё ва озиқ-овқат саноатида фойдаланилмоқда.

(Давоми бор).

«ҲАЁТ ҚИМОР ЎЙИНИГА ЎХШАЙДИ...»

ЁКИ ЧЕТ ЭЛ ҲАЁТ ТАРЗИГА БИР НАЗАР

Юрган дарё деганларидек, беш кун давомида Америқо Қўшма Штатларининг шаҳарлари ва қишлоқларини айланиб, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсилвания, Мериленд, Вашингтон, Виржиния штатларида бўлиб, оламолам таассуротлар билан яна чет эллик юртдошларимизнинг кўпчилиги истиқомат қиладиган Нью-Жерси штатига қайтиб келдик.

Ҳар куни бизни бирон юртдошимиз ўз хонадонига таклиф қилади. Биз улар билан Ўзбекистон ҳудудида кечаётган ижтимоий-сиёсий ҳаёт, қайта қуриш нафаси, демократия ва тижорат ишлари хусусида тинимсиз суҳбатлар қурамиз, гоҳо тортишамиз, гоҳо бир-биримизнинг фикрларимизни маъқуллаймиз.

Она юртимизга қайтиш учун икки кун қолганда бизни ажойиб инсон Абдулла Хўжа Атланти Сити шаҳрини айлантиргани олиб чиқди.

Аввало, икки оғиз сўз Абдулла Хўжа ҳақида. Абдулла Хўжанинг рафиқаси ва тўрт фарзанди бор. Унинг отаси Акбархўжа бир пайтлар адолат истаб, кўпгина Шарқ мамлакатларини кезиб чиққан. Ҳозир ота ҳам, ўғил ҳам Америқода тижорат ишлари билан шуғулланади.

Кунларнинг бирида Абдулла Хўжа рўзномаларни варақлаб ўтириб мужоҳидларга асир тушган мусулмон йигитлари ҳақида ёзилган хабарни ўқиб қолади. Бу нохуш хабар унга тинчлик бермайди: нима қилиш керак? Қандай қилса, мусулмон йигитларини тутқунликдан озод қилади? Кунлар-кунга, тунлар-тунга уланиб, ниҳоят, асирларни озод қилиш режаси тузилади. У Покистоннинг Пешовар шаҳри томон йўл олади ва катта пуллар эвазига бир неча юртдошимизни асирликдан озод қилади...

Нью-Жерсидан Атланти Сити томон йўлга чиққанимизда қуёш найза бўйи кўтарилган эди. Йўл-йўлакай Абдулла Хўжани гапга соламиз.

— Атланти Сити Тинч океанининг қирғоғига жойлашган, — дея ҳикоясини бошлайди Абдулла Хўжа. — Бу жой Америқонинг энг гўзал ва шифобахш масканларидан бири десам муболаға қилган бўлмайман. Ҳар йили бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан ўзига тўқ, бадавлат сайёҳлар келишиб, дам олишади, қимор ўйнашади. Ҳа, Атланти Сити биринчи навбатда ўзининг бутун оламга донғи кетган қиморхонаси билан машҳур.

Абдулла Хўжа бир зум ўйга толди. Бу пайт менинг ҳаёлимга буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Ҳаёт қимор ўйинига ўхшаб кетади, лекин бу ўйинда эътиқод ютқизилмаса бўлгани», деган сўзлари келди. Ғайри-табиий қарама-қарши хаёллар оғушида ташқарига тикилдим.

Ҳа, Нью-Жерсидан Атланти Ситига боргунга қадар дов-дарахтлар ичига кўмилган шаҳарлар ва қишлоқларни томоша қилиш мумкин. Йўллар кенг ва равон. Бир зум бўлса ҳам машиналар оқими тинмайди. Лекин машиналар оқимини тартибга солиб турувчи бironта полис (ГАИ ходими — П. Ш.) кўзга ташланмайди.

Диққат билан тикилиб қараган одамнинг бир-бирига асло ўхшамайдиган енгил машиналарнинг номерлари устига ва тагига ёзилган шиорларга кўзи тушиши мумкин. Мен бу ерда уларнинг айримларини тилга олиб ўтаман: «Болалар туғилишини режалаштириш гуноҳ», «Бола олдирамизми, йўқми, бу бизнинг ишимиз», «Одамлар бир-бирларингиздан меҳрингизни дариғ тутманглар», «Папирос чекишни ташлаган одам гўзал хонимни учратади», «Қимор ўйинига ортиқча берилманг», «Қандай кийим кийиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида», «Бегонанинг кўнглини оғритган одам гуноҳ иш қилган бўлади», «Ҳамиша ўз виждонингизга қараб иш тутинглар», «Атланти Сити — бу қимор ўйини демакдир»...

Ҳайдовчиларнинг юзларига тикилиб қараймиз. Улар ниҳоятда тинч ва хотиржам, йўл қоидасини бузмайдилар ва бузишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шу пайт биз билан ёнма-ён кетаётган улкан машина диққатимни тортди. Машинанинг ён томонига йирик-йирик ҳарфлар билан «Ўзлигингизни, авлод-аждодларингизни сақламоқчи бўлсангиз дов-дарахтларни, кўлларни, дарёларни, денгизларни асранг», деб ёзиб қўйилганди.

Кўзларим шиорда-ю, хаёлимга бундан олти кун илгари Нью-Йоркнинг «Байналмилал уйи»да бўлиб ўтган Халқаро Орол анжумани келди. Икки кун давом этган бу анжуманда АҚШнинг таниқли олимлари, турли хил жамоа ташкилотларининг вакиллари, журналистлар қатнашдилар.

Анжуманда иштирок қилган таниқли олим, жамоат арбоби Вашингтондаги Уорлд Уотч номли институтнинг Президенти, «Футурология» ойномасининг бош муҳаррири Лестер Браун Орол денгизи бошига тушган кулфатлар ҳақида алоҳида куюниб гапирди.

— Оролни асраш учун газ, нефть, олтин, уран, сингари қазилма бойликлардан фойдаланиш масаласини жиддий ўйлаб кўриш пайти келди, — деди у. — Демоқчиманки, мен тилга олган қазилма бойликларни олишда, жуда кўп миқдорда сув ишлатилмоқда. Заҳарланган оқова сувлар, кўллар, дарёлар, денгизлар, океанларни ифлос қилмоқда. Тасаввур қилинг, ҳар йили дунёда ўн бир миллион гектар ўрмон йўқ қилиниб, олти миллион гектар ер қуп-қуруқ саҳрога айланиб қолмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимиз асосида аниқ айтишим мумкин. Ҳар йили икки мингга яқин кўл, юзлаб ўрмонлар заҳарланиб, одамларнинг соғлиғини ишдан чиқармоқда. Табиий мувозанатнинг бузилиши натижасида иқлимимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Ходимларимизнинг илмий башоратларига кўра, икки минг эллигинчи йили денгизлар ва океанларнинг сатҳи бир ярим-икки метрга кўтарилиб, ҳавонинг ҳарорати яна тўрт даражага ошади.

— Бутун дунёда экологик вазият тобора кескинлашиб бормоқда, — дея сўзини давом эттирди Лестер Браун. — Бу ҳодиса одамларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бас, шундай экан, ҳаммамиз қўлни-қўлга бериб, кўллар, дарёлар, денгизлар, дов-дарахтларни асл ҳолида асраш учун ҳаракат қилайлик. Орол денгизи наинки сизларники, Орол айни замонда бизларники ҳам. Яқинда рўзномаларнинг бирида Орол атрофида яшовчи ҳайвонларнинг ўлат касалига чалинганини ўқиб, хафа бўлдим. Бу ҳақда ва Орол денгизининг ўртасига жойлашган «Тикланиш ороли»да олиб борилаётган химиявий ва биологик қуролларни синаш хусусида ҳам жиддий ўйлайдиган пайт келди. Умуман, виждони ўйғоқ ҳар бир киши Оролнинг қуриб кетишига тинч, хотиржам, шунчаки кузатувчи бўлиб ўтирмаслиги, имкони борича уни асраб қолиш, асл ҳолига қайтариш учун курашиши керак.

Лестер Браунинг сўзларини ҳаяжон билан эшитдик. Қизиқ, таниқли олим Лестер Браун Орол денгизидан анча олисда, тўғрироғи, АҚШнинг пойтахти Вашингтонда яшайди. У Орол муаммолари билан шуғулланмай туриб ҳам тинч, хотиржам яшаши мумкин эди. Лекин у ўз мақолаларида, талабаларга ўқийдиган лекцияларида, турли хил анжуманларда ирод қилган нутқларида Орол муаммоларини доимо тилга олади.

Табиийки, ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бизнинг жумҳуриятимизда Лестер Браун сингари Оролнинг тақдири билан қизиқувчи олимлар борми? Агар бор бўлса, нега улар Орол фожеаси хусусида америкалик олимлар Лестер Браун ва Филипп Миклин сингари ҳайқириб кураш олиб бормайдилар?»...

Шу ўринда яна бир гапни, яъни тақдирнинг тақозоси билан Америка Қўшма Штатларига келиб қолган ватандошларимизнинг Оролни асраш дарди билан нафас олаётганликларини ҳам айтиб ўтмасдан бўлмайди. Улар орасида Рўзи Назар, Неъмат Бегиш, Абдулла Хўжа, Абдулрауф Мақсудий, Жавдат Сайҳун, Зиёвиддин Бобоқурбон сингари юртдошларимиз Орол бошига тушган кулфатларни даф қилиш учун ўзларининг куч-ғайратларини аяётганликлари йўқ.

Америқонинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Вашингтон, Виржиния сингари штатларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз жумҳуриятимизда рўй бераётган ўзгаришларни сергаклик билан кузатиб боришмоқда. Улар ютуқларимиздан қувониб, нуқсонларимизнинг тезроқ тугатилишини орзиқиб кутмоқдалар.

Тўғри, юртимизда бошланган қайта қуриш жараёни ҳаётимизнинг барча соҳаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин шунга қарамай, бир пайтлар шаклланиб қолган эски ақидалар ишимизга салбий таъсир қилаётир. Мен бу ўринда айрим масъул ходимларимизнинг «совет кишиси АҚШ фуқароси билан алоқа қилса, ЦРУнинг тўрига илинади ва бинобарин, миллатлараро муносабатлар бузилади», деган фалсафасини кўзда тутаётирман. Фикрим исботсиз қолиб кетмаслиги учун бир далилни тилга олиб ўтмоқчиман.

Ўтган йилнинг апрель ойида «Ватан» жамиятининг бир гуруҳ вакиллари АҚШга сафар қилишади. Сафар чоғида улар ўзларини ғалати тутадилар. Делегация раҳбари ўз аъзоларига махсус қоидалар бўйича ҳаракат қилишни тайинлайди. Бу ҳодиса Америқода яшаётган юртдошларимизнинг нафсониятига тегади.

Умуман олганда, америқолик юртдошларимизнинг ўзларига хос дардлари, ҳасратлари, орзу-умидлари, қувончлари ва ташвишлари бор.

Яқинда ватандошимиз Камол Бобокурбоннинг қизи Тилак Бобоқурбон АҚШда туркистонликлар орасида биринчи бўлиб ҳуқуқшунос деган фахрли унвонни ҳимоя қилди. Бу хабарни эшитган юртдошларимизнинг қувончини таъриф қилиш қийин эди.

Тўғрисини айтсак, Америқо Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган туркистонликлар орасида наинки тижорат, балки ҳуқуқ, сиёсат, замонавий техника ва санъат муаммолари билан шуғулланувчи йигитлар ва қизларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Шу ўринда бир ибратли воқеани тилга олиб ўтиш ўринлидир.

Сафаримизнинг тўртинчи куни Нью-Жерсида истиқомат қилаётган ватандошимиз Муҳаммадхон Жалол бизларни меҳмонга таклиф қилди.

Икки оғиз сўз Муҳаммадхон Жалол ҳақида

Муҳаммадхон Жалол ўттиз йил давомида Афғонистон ҳукуматининг аъзоси сифатида фаол иш олиб борган. Аввал Муҳаммад Довуд қўл остида, сўнгра Баброк Кармал ҳукуматида савдо вазири бўлиб хизмат қилган. У етти ўғил ва икки қизнинг отаси. Куёви Ҳамдамжон, ўғиллари, қизлари санъат соҳасида юмуш қиладилар.

Биз билан мулоқотда Муҳаммадхоннинг фарзандлари бугунги дунёвий санъатнинг ютуқлари ва муаммолари хусусида ҳаяжон билан сўз юритдилар. Умуман, биз қаерда бўлмайлик ва ким билан суҳбат қурмайлик, ҳамма жойда жумҳуриятимиз билан АҚШ орасида бевосита иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари тилга олинди.

Биз Америқо Қўшма Штатлари бўйлаб қилган сафаримиз чоғида собиқ СССРнинг Вашингтонда жойлашган элчихонаси ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти ҳузурида фаолият кўрсатаётган ваколатхонада бўлдик. Маълум бўлдики, на элчихонада, на бир юз йигирма тўққиз ходим ишлайдиган ваколатхонада Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон жумҳуриятларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи бironта ҳам вакил йўқ экан...

Қаранг-а, ўйлар, хаёллар, таассуротлар, мулоҳазалар гирдобига ўралиб, Атланти Ситига яқинлашиб қолганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Бу шаҳарда илк бор бўлган киши бир-биридан чиройли осмонўпар биноларини кўриб, ҳайратга тушади. Айниқса, турли хил безаклар ва рекламалар билан товланиб турган Тож маҳал қиморхонаси диққатни ўзига тортади. Бу улкан ва ҳашаматли бинонинг ички ҳамда ташқи кўринишини таъриф қилишга тил ожизлик қилади. Кенг ва баҳаво заллар, чўғдек ёниб турган гиламлар, минг рангда товланиб турган чироқлар, афсонавий тус олган безаклар, сон-саноқсиз компьютерлар, енгил мусиқа, одамларнинг кайфиятлари кишида сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган бир ғайри-табиий туйғу уйғотади...

Бир куни Вашингтоннинг диққатга сазовор бўлган жойлари билан таниша туриб, Массачутес кўчасида жойлашган мусулмонлар мачитига ҳам ташриф буюрдик. Маълум бўлишича, бу ерга ҳар куни дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар, дипломатлар, журналистлар, олимлар, ҳарбийлар, чўнтаги пулга тўлган савдогарлар келиб туришар экан. Бизни мачит олдида ўрта бўйли, қотмадан келган бир йигит табассум билан кутиб олди. У ўзини мачит кутубхонасининг ходими, деб таништирди.

— Америқода мусулмонлар кўпми? — деб сўрадик ундан. Йигит шундай деб жавоб берди:

— Америқо аҳолисининг тўрт фоизини мусулмонлар ташкил этади. Бу — биринчиси. Иккинчи айтилмоқчи бўлган гап шуки, 1955 йилдан то шу бугунги кунимизга қадар қирқ мингга яқин одам ислом динини қабул қилиш истаги билан мачитга келиб туришибди.

Мачит кутубхонасининг ходими енгил тин олди ва шундай деди:

— Атланти Ситида бўлдингларми? Казинони томоша қилдингларми? Агар у ерга бормаган бўлсаларингиз, албатта, бир бориб кўринглар. Тожмаҳалда ислом динини қабул қилган анча-мунча фуқароларимиз бор...

— Анови ял-ял ёниб турган бинога бир эътибор беринг-а, — дея менга мурожаат қилди Абдулла Хўжа. — Бу ерда қимор ўйнаш учун келган меҳмонлар ҳордиқ олишади. Гоҳо қирқ беш ёшга тўлган қиморхонанинг хўжайини Трумб ҳам шу ерда бирров бўлиб кетади.

— Трумб ҳақида тузукроқ гапириб беринг, — дея илтимос қиламиз Абдулла Хўжадан.

— Трумб АҚШнинг йирик бойларидан бири. Бир уйи Нью-Йоркда бўлса, иккинчи уйи Флоридада (шахсий хизматчиларининг сони бир юз йигирма кишидан иборат). Миллионер яқинда чех миллатига мансуб бўлган қайлиғи билан ажралишди.

— Трумбнинг ғалати-ғалати одатлари бор, — дейди кулиб Абдулла Хўжа. — У яқинда сал бўлмаса синиб қолай деди. Нима учун дейсизми? Мана, эшитинг. Тожмаҳал қиморхонаси ишга тушгач, орадан кўп ўтмай Трумбнинг сармояси ошиб кетди. Айтишларича, миллионер ортиқча пулларини қаерга ва нима учун сарф қилиш устида бош қотирган. Дарвоқе, азалдан у боксёрлар ҳаёти билан қизиқар эди. Шунинг учун бўлса керак, у халқаро мусобақаларда ўзи севган боксёрларнинг ютуғи учун ўз жамғармасидан йирик мукофотлар таъсис этди. Энг сўнгги марта севимли боксёри Тайсининг рингга чиқиши ва ютиши учун бир юз олтмиш миллион доллар ажратди, аммо Тайси бу ўйинни бой берди. Трумбнинг ажратган пули ва сарф қилган харажатлари ҳавога учиб кетди...

Тожмаҳал қиморхонасининг олдига келаётган енгил машиналарнинг оқими бир зум ҳам тинмайди. Мерседеслар, тойоталар, лимузинларда бизнесменлар, сенаторлар, сиёсатдонлар, олимлар, журналистлар, шунчаки бизга ўхшаган сайёҳлар келиб туришибди. Турли тиллар, турли қиёфалар, турли кийимлар, турли муомалалар, турлича қулгулар...

Дабдурустдан қиморхонага кирган одам довдираб қолиши турган гап. Компьютерларнинг сирли овози, центлар (танга пуллар — П. Ш.)нинг жаранг-журунглари, теварак-атрофни айланиб, турган полисларнинг (полиция — П. Ш.) хатти-ҳаракатлари, чинни тарелкаларда қаҳва, виски, конфетлар ташиб юрган қизларнинг шарқона кийиниши, ўйинда ютқазган одамларнинг оҳ-воҳлари кайфиятингизга таъсир қилмай иложи йўқ.

Кўз олдингизда турнақатор тизилган компьютерлар. Уларнинг олди одамлар билан тирбанд. Ютганлар лабида кулги, ютқизганлар чеҳрасида дарду ҳасрат қўланкаси. Бу ерда ҳеч ким бир-бировига ёрдам беролмайди ва бунинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ.

Ўйинни диққат билан кузатган одам бир нарсани сезиб олиши мумкин. Чўнтагини жарақ-жарақ пуллар билан тўлдириб келган бойваччаларнинг ўйини бўлакча. Улар майда-чуйда пуллар билан ўйин қилмайдилар. Бойваччаларнинг ғами ҳам, алами ҳам, қувончи ҳам ўзгача.

Тожмаҳалда ҳар куни ярим миллион одам қимор ўйнайди. Бу ўйиндан келадиган ҳадсиз-ҳисобсиз фойда фақат Трумбгагина аён. Умуман, бу ерда нафақат шунчаки қимор ўйналади, балки қимор ўйини пайтида амал курсиларини эгаллаш учун сирли режалар ҳам тузилади...

Биз қимор ўйинларини томоша қила-қила жиндай ўзимизга келиб олиш учун кўчага йўл оламиз. Рўпарамизда уфқ билан туташиб кетган Атлантика океани. Океан... томондан баданни жунжуктирувчи муздек шабада эсади. Онда-сонда енгил тўлқинлар ўйин қилади, қирғоққа келиб урилади. Олис-олисларда қаёққадир шошилинч йўл олаётган кемалар карвони элас-элас кўзга чалинади. Қалбимизда эса она юрт соғинчи тўлқинлардек мавжланади...

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
(Мақоланинг қалам ҳақи муаллифнинг ёзма илтимосига кўра, «Маърифат» рўзномаси ёрдам жамғармасига ўтказилади).

Мактабгача тарбия муассасаларида

БЕҒУБОРЛАР ОЛАМИДА

Болаларимизни бировнинг қўлига омонат қўйиб, уззукун ишда бўламиз. Давлат иши билан банд бўлсак-да, хаёлимиз «кўз қорачиғидек» фарзандларимизда... Эрталаб гўдагимизни қабул қилиб олган тарбиячининг ёқимтой, нурафшон ёки қаҳратон қиш осмонидек тунд ва совуқ чеҳраси тез-тез кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу, албатта унинг феъл-атворига, ўз ишига масъулият билан қарашига ёки кайфиятига боғлиқ. Очиқ чеҳра билан болаларимизни суюб, эркалаб олиб қолса, кўнглимиз хотиржам юмушга жўнаймиз. Борди-ю, тарбиячи бадфеъл бўлиб, кўнглимиз шишасини синдирса, нуридийдамиз ортимиздан йиғлаб қолса, биз оналарнинг ҳаловатимиз йўқолади. Ишга қўлимиз бормай, кўнглимиз ғаш бўлиб юрамиз.

Шунинг учун тилагимиз, орзуимиз боғчалар кўнгилдагидек бўлса. Унда маънавий юксак, меҳрибон, мурувватли тарбиячилар ишласа. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган бир боғча тўғрисида ҳикоя қилмоқчиман.

Нодира номли мазкур боғча вилоятдаги «Шўртангаз» идораси қарамоғида. Боғчада тарбияланаётган жажжилар ҳам асосан шу жойда ишлайдиган ишчи ва хизматчиларники. Шу туфайли бўлса керак, кичкинтойлар масканига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекнинг бир гапи бор: «Уволи ҳам, савоби ҳам ўзида». Ҳар йили идора маъмурияти боғча учун катта миқдорда маблағ ажратади. Зарур нарсалар билан таъмин қилади. Шуниси яхшики, бу боғчанинг, ҳатто ўз машинаси ҳам бор, керакли пайтда болаларни машинанинг юмшоқ ўриндиқларига ўтқазиб, шаҳарни томоша қилдириш ёки театрга олиб бориш мумкин. Айтишадики, «Минг эшитгандан бир кўрган яхши», деб. Ҳақ гап. Шу ҳикматга амал қилиб, мақтови таъриф этилган Нодира номли боғчага йўл олдик.

Чоғроққина шинам ҳовли. Кун илиқ. Бу ерда кичкинтойларнинг мириқиб ўйнаб-кулишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Арғимчоқ ва шунга ўхшаш болалар севувчи ўйин инвентарлари жойжойида. Оққушдек оқ халатли тарбиячи қиз-жувонлар болалар атрофида парвона. Ҳали яп-янги оппоқ муҳташам боғча биноси кўзни қувонтиради.

Тўлагина, момиқ юзли, сипо мудира Софья Абдуназарова бизни илиқ кутиб олди. У ўз ишини яхши биладиган аёлларга хос вазминлик билан боғчани кўрсатди.

Боғча биноси 320 ўринга мўлжаллаб қурилган бўлиб, қозирги кунда 310 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Уларни тарбиялаётган 28 нафар тарбиячининг ҳаммаси ҳам маълумотли қизлар...

— Боғчаларни миллийлаштириш, деган масалага қандай қарайсиз? — деб савол бердим.

— 14 гуруҳнинг иккитасини тамоман миллий гуруҳларга айлантирдик. Бу ерда болаларимизни ўзбекона руҳда тарбиялаш ниятимиз бор. Миллий гуруҳларни янада кўпайтирамиз. Гапнинг тўғриси, «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган нақл бор. Ўзбекистон Республикаси боғчалари миллийлаштирилар экан, демак, биз ҳам четда қолмаймиз, — дейди қазиломуз кулиб Софьяхон.

Боғчани кўздан кечирар эканмиз, бу ердаги шарт-шароит бизга манзур бўлди. Ўйинхоналару ётоқхоналар ҳаммаси озода, файзли. Зарур жиҳозлар билан безатилган. Кичкинтойларнинг жонидили бўлган беҳисоб турли-туман, қизиқ-қизиқ ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар мавжуд. Ётоқхоналардаги манзара янада кўнгилли — хоналар кенг ва шинам. Дераза ромларига оппоқ, нафис пардалар осилган. Каравотчалар ҳам ўз ўрнида.

Болаларнинг совқотмасликлари учун пахталик кўрпалар, юмшоқ ёстиқчалар ҳам бор Хуллас, манзара жуда яхши. Иситиш тармоғини кузатдик. Трубалар иссиқ, 22—24° ни ташкил этади.

Мудира вилоят халқ таълими бошқармасининг етакчи мутахассиси Дилбар Муродова иккимизни кенг ва муҳташам залга таклиф қилди. Дилни қитиқловчи майин, дилрабо куй янграмоқда. Зал ўртасида капалакдек ясаниб олишган қизалоқлар рақс тушишмоқда. Тарбиячи Насиба Эргашева жўрлигида болажонлар қўшиқ айтишмоқда. Зал обдон безатилган, чўғдек гиламлар солинган, столстуллар қатор қилиб териб қўйилган, рояль, дутор, рубоб ва доира каби мусиқа асбоблари ҳам бор.

«...Бойчечагим бойланди,
бойланди,
Қозон тўла айронди,
айронди»,

деб куйлашади кичкинтой санъат ҳавасмандлари.

Миллий гуруҳларни кўрдик. Бу ернинг ҳам шинам ва озодалиги дарҳол диққатимизни тортди. Хонанинг бир четига шарқона гилам тўшалган, хонтахта, хонтахта атрофида атлас-кимхоб кўрпачалар солиниб, болишчалар қўйилган. Бахмал ёпинчиқли бешик шу қадар безатилганки, кўзни қувонтиради. Ростданам, бу хоналарда бошқалардан ўзгача, шарқона руҳ уфуриб турибди.

Нутқи чатоқ болалар гуруҳини ҳам кўздан кечирдик. Бу ерда шу соҳа бўйича тажрибали мутахассис Валентина Георгиевна Кошелева хизмат қилади. У ўз тиришқоқлиги ва билимдонлиги билан жамоа ўртасида алоҳида ҳурматга эга экан. В. Г. Кошелеванинг Жаҳонгир исмли болага тўғри талаффуз қилишни ўргатаётганининг устидан чиқдик.

Шунингдек, бошқа гуруҳ тарбиячилари В. Кузьмина, И. В. Лавриенко, Г. Н. Малахова, Ф. Нигматулина, Г. Баротовалар ҳам биз билан суҳбатда ўз ишлари тўғрисида гапириб бердилар. Уларнинг гапларидан бу ерда ишлаб кам бўлмаётганликларини, яхшигина маош олишаётганликларини ва бир қанча имтиёзлар ҳам кўрсатилаётганлигини билиб олдим. Улар ҳузуридан мамнуният билан чиқиб, тиббиёт хоналарига ўтдик. Уч хона ҳам зарур тиббиёт жиҳозлари билан безатилган. Шуниси яхшики, ҳат то бу ерда тиш касалликларини даволаш хонаси ҳам бор экан. Токчалардаги чиройли қутичаларда турли хил доривор ўтлар солинган. Бу ердаги хизматчилар доривор ўтлардан болаларга хуштаъм ичимликлар тайёрлаб ичиришар экан. Ошхонада назорат ўрнатиш, кундалик овқатлар хилини танлаш ишлари ҳам шулар зиммасида. Бир врач ва уч нафар тиббиёт ҳамширалари, жами 4 нафар шифокор, кичкинтойлар саломатлиги учун меҳнат қилишаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мудира хонасининг ёнидаги «услубиёт хонаси» деб ёзиб қўйилган эшикни очдик. Ёши анча улуғ, қарашлари мулоҳазали методист Роза опа Латипова билан танишдик. Роза опа 30 йилдан ортиқ вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мактабгача тарбия муассасалари бўлимини бошқарибди. Кўриниб турибдики, унда катта тажриба бор.

— Боғча уйимга яқин жойда жойлашган. — Қолаверса, Софья ўз шогирдим. Ёрдам қилгим келди. Бундан ташқари, беғараз, беғубор болалар оламини севаман. Уларга боқиб турсам, дилимдан ҳорғинлик ариганини ҳис қиламан, — дейди биз билан суҳбатда Роза Латипова.

Унинг бу ерда қилаётган ишлари таҳсинга сазовор. Мудиранинг мамнун бўлиб гапиришларидан, опанинг кенг қамровли, фикрли сўзларидан буни билиб олиш қийин эмас.

Боғчадан чиқаётиб болаларга «Хайр, кўришгунча!» — дедик. «Хайр, келиб туринг!», дейишди улар. Кичкинтойлар оламида бўлиб, қалбан яшарганлигимни, қуралай кўзли қизалоқларимни қаттиқ соғинганлигимни, қалбим тубида чўкиб ётган ғашликларданфориғ бўлганлигимни, кўнглимда беғубор орзулар жўш урганлигини ҳис этдим.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Инсонни тинглашга ўрганайлик

Рўпарамда кўзлари йиғидан қизарган, рангпар, ёшгина аёл ўтирибди. Дам-бадам хўрсиниб, рўмолчасига тўхтовсиз сизиб чиқаётган кўз ёшларини артади. Назокат Салимова Бухоро вилояти Пешку ноҳиясидаги мактабларнинг бирида ишлайди. Ёнида турмуш ўртоғи Усмон Салимов (баъзи мулоҳазаларга бориб, уларнинг исмларини ўзгартирдик).

Воқеа тафсилоти менга таниш эди. Ўқитувчи У. Салимов таҳририятимизга мактуб йўллаб, мактабда етарли дарс соати бўла туриб, К. Ҳожиқулов ўқитувчи Н. Салимовани (турмуш ўртоғини) тўлиқ иш билан таъминламаганини айтганди. Бундан ташқари, мактаб маъмурияти ва район халқ таълими бўлими томонидан Ўзбекистон жумҳурияти меҳнат Қонунларининг 188-моддасида кўрсатилган бандларга риоя қилинмасдан Н. Салимовани хизмат сафарига юборишга қарор қилишган.

Мазкур хат район халқ таълими бўлими вакиллари иштирокида ўрганиб чиқилган. У. Салимовнинг хатида келтирилган далиллар исботланиб, мактаб директори К. Ҳожиқулов адолатсизлик қилгани учун ҳайфсан олган. Юқорида келтирилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар мактаб директори билан ўқитувчи Салимов ўртасидаги низони келтириб чиқарган. Ҳозирги пайтда бу жанжалли масала билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари шуғулланмоқдалар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи имзо чеккан расмий жавоб хатида ана шу фикрлар келтирилганди.

Н. Салимова 1988 йилдан буён мактабда ишлайди. 1989-90 ўқув йилида унга 0,5 ставка ҳажмида гуруҳ ўқитиш топширилади. У мактаб директори К. Ҳожиқуловга ишини тўлиқ бир ставка қилиб беришини сўраб мурожаат қилганига қарамай, рад жавобини олган. Оилада кўпчилик, кекса қайнонаси, тўрт нафар гўдаклари бўлганлиги учун, айниқса, нарх-наво осмонга ўрлаган ҳозирги кунда бундай оиланиг иқтисодий жиҳатдан қийналаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни инобатга олиб мактабдаги ўқитувчилар ҳам бир неча бор гап очишганида, директор эътибор қилмаган.

1990-91 ўқув йилида Н. Салимова яна шу илтимос билан директор ҳузурига киради. У К. Ҳожиқуловнинг «Агар менинг райимга юрсанг, ишингни ҳам тахлаб бераман» деган гапларига кўнмайди. Директорнинг истаги бир неча бор рад этилгач, у ҳам тўнини тескари кийиб олган. «Шунча вақтдан бери бу ҳолни яшириб келганимнинг сабаби — оилам бузилишидан қўрқар эдим, — дейди Н. Салимова. — Эрим менга ишонгани учун ҳамма гапни очиқ-ойдин унга айтиб бердим».

Тириклик фалсафасининг сабаб ва оқибат қонуниятларига асосланиб мушоҳада қиладиган бўлсак, Н. Салимованинг эри Усмон Салимовнинг мактабга чиқиш сабабини топиб оламиз. Натижада муаллиманинг турмушдош ўртоғи У. Салимов директор ҳузурига топталган ор-номусини ҳимоя қилиб чиққан. Унинг гапига қараганда ёш муаллим директорни урмаган. Аксинча, директор унга бир тарсаки туширириб: «Бу ерда мен хўжайинман, менинг айтганим бўлади» деган.

Мен бир холис киши сифатида Салимов директорга тан жароҳати етказмаган, деёлмайман. Қизиқ, аёл ўқитувчи камситилгани, ҳамма нарсани тушунадиган раҳбар одам унинг ҳаққи-ҳуқуқини кўра-била туриб поймол қилгани учун директорга ҳайфсан эълон қилинган-у... Иккинчи томонда суд-тергов бошлаган.

Ажабланарли ҳол. У. Салимовга зимдан назар ташларканман унинг бировни уриб, тан жароҳати етказа олишига ишонмадим, рости. Хўш, ёш ўқитувчи ўз оиласи номусини ҳимоя қилганлиги учун ҳуқуқий жазога маҳкум этилса-ю, иккинчи томондан ёш бир оиланинг барбод бўлиб кетаётганига, тўрт норасида гўдакни ўзининг жирканч ҳаракати туфайли етим қолишига асосий сабабчи бўлаётган директор сувдан қуруқ чиқиб, кетаверса! Буни қандай тушунмоқ керак?..

Аччиқ, изтиробли кўз ёшларга, юракдан чиққан ҳақиқий сўзларга ишонмай бўлмасди. Бу аёлга зарурмиди қиш-қировли кунда, касалманд қайнонасини, фарзандларини ташлаб олисдан бу ерга келиши? Муштипар, ожиза муаллима суд жараёни давомида уч марта юрагини чангаллаб ҳушсиз йиқилиб тушибди. Энди дардига дармон излаб, редакцияни қоралаб келишган...

Дарвоқе, ҳали хулоса чиқаришга вақт бор. Ҳозир районда шу иш юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари якун топай деяпти. Лекин мен виждон ва ор-номус масаласи аралашган мазкур иш тергов-суд жараёнининг объектив тарзда олиб борилишини жуда-жуда истардим. Тергов қонун-қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда, зарурият туғилса, мухтассислар томонидан малакали экспертиза ўтказилиб, унинг ҳужжатларига асосланган ҳолда ўтказилиши зарур деб ҳисоблайман.

Албатта, рўзноманинг суд-тергов ишларига бу тахлид аралашиши ножоиздир. Лекин биз мудҳиш воқеалар рўй бергач, чапагимизни чалиб қолаверишга, ҳаққимиз йўқ...

«Маърифат» редакцияси Бухоро вилоят прокуратурасининг мутасадди раҳбарларидан мазкур тергов-суд жараёнини алоҳида эътибор ва назоратга олиб, адолатли ҳал бўлишига ёрдам беришини сўрайди.

Хат муаллифлари қаторида биз ҳам одил қонунчиларнинг адолат юзасидан посангини тўғри қўйишларига умид қиламиз. Ана шундагина ҳақ ўз йўлида қарор топарди...

З. ТЎЛАГАНОВА,
хатлар бўлими мудири.

Қутлаймиз!

Қадрли Ғозибой ака ҒАНИЕВ!

Сиз неча йил муаллим бўлган бўлсангиз, ўша давр мобайнида мурғақ қалбларга меҳр-мурувват, шафқатлилик ва шу каби инсон одоби, кўрки бўлмиш хислатларни сингдириб келмоқдасиз. Изингиздан боришаётган ўнлаб шогирдларингиз қаерда бўлмасин, сиз берган илк сабоқларни ёдида сақлашади, фахрланишади.

Ушбу 60 йиллик тўйингиз нишонлакаётган шодиёна кунда биз ҳамкасбларингиз Сизга мустаҳкам соғлиқ, онлангизга тинчлик-тотувлик тилаб қоламиз.

ТОШКЕНТ НОҲИЯСИДАГИ 1-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Қадрли Тўлқин ОТАБАЕВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшга тўлган кунингиз билан ҳунар-техника билим юрти, инженер-педагоглари, ишчи-хизматчилари номидан муборакбод этамиз.

Узоқ йиллар мактаб ва маориф ишини асл билимдони, муаллимларнинг доно устози сифатида халқ обрў-эътиборини қозониб келдингиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

ХИВА РАЙОН 1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Отажонимиз Менглибой МУРОДОВ!

Мана, Сиз 30 йилдан буён Конимех ноҳиясидаги юзлаб ўқувчиларга ўз меҳр ва билимингизни аямай келаяпсиз. Шу билан биргаликда биз, жигаргўшаларингиз ҳам қалбингиз тафтидан куч-қувват олиб, ҳар бир айтган насиҳатингизга бажонидил амал қиламиз.

Сизни 80 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Бахтимизга бор бўлинг.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Қутлаймиз!



Ҳурматли акажоним Даминжон Қўшбоқов!

Сизни Темур Малик номли совхоздаги 1-ўрта мактабда толиби илмлар моҳир тарих фани ўқитувчиси сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилишади.

Мен учун меҳрибон ака бўлсангиз, фарзандларингиз учун бағри кенг, саҳий дадасиз.

Таваллудингизнинг 40 йиллиги муносабати билан чин қалбдан табриклайман. Сизга сиҳат-саломатлик, мустаҳкам ирода, келгуси ишларингизда омад тилайман. Дилингиздаги орзу-умидларингиз рўёбга чиқишига тилакдошман.

Синглингиз ИНОБАТ.

«МАДИНАДА МУҲАММАД, ТУРКИСТОНДА АҲМАД»

...Ва, ниҳоят, мактаб ўқувчилари Яссавийни ўқий бошлашди.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Абу Бакр Закариё Ар-Розий номли 127-мактабда яссавийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Рост гап, шу лаҳзаларда оддий бир қаламкаш сифатида ўзим яшаб ўтган болалик пайтларимдан анча ўкиндим. Биз бу даврларда Ленин, партия ва «катта оға»мизни куйлаган шеърларни ўқиб, ёд олардик, холос. Бироқ ўз элимиз алломаларини билмасдик.

«...Туркистон — Хўжа Аҳмад Яссавийнинг она юрти, кўз очиб кўрган дунёси. Чимкент — Туркистон автотрассаси бўйлаб қадимий шаҳарга кираверишда чап томонда ярқ этиб кўзга ташланадиган мовий гумбазли йирик обида — Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси бор. Мана 600 йилдирки, у ўтмиш билан бугунги ҳаётимизни боғлаб турибди.

Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси ислом динига ишонувчилар, яъни мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади. Ислом динининг йирик вакили — Аҳмад Яссавий хотирасини абадийлаштириш мақсадида соҳибқирон Амир Темур 1395—1397 йилларда шоирнинг эски қабри ўрнига катта ва муҳташам мақбара қурдирган.

Хўжа Аҳмад Яссавий Чимкент яқинидаги Сайрам шаҳрида руҳоний шайх оиласида туғилди. Отаси Иброҳим Ясси Сайрамда узоқ йил шайхлик қилди. Унинг муридлари жуда ҳам кўп эди. Аҳмад Яссавий отаси шайх Иброҳимнинг отаси Маҳмуд, бобоси Ифтихор ва бошқалар орқали Муҳаммад Пайғамбарнинг қизи Фотима наслига бориб тақалади. Яссавий шахсиятининг бу қадар юқори эъзозланишининг сабабларидан бири ҳам шу туфайлидир.

Аҳмад Яссавийнинг болалик йиллари Сайрамда ўтади. Болалик чоғида отаси вафот этгач, Арслонбобо (Салмоний форс) деган эшоннинг қўлида қолади. Арслонбобо вафотидан сўнг Бухорога бориб, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадбийдан тасаввуф илмини ўрганди. Юсуф Ҳамадбийнинг вафотидан кейин унинг ишини давом эттириб, ҳалифалик қилади. Сўнгра йирик мутасаввуф сифатида Туркистонга қайтиб келади. Аҳмад Яссавий ислом дини тарғиботчиси сифатидаги мавқеи айни мана шу даврда камол топади.

«Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад» деган овозанинг қисқа муддатда узоқ-узоқларга яшин тезлигида тарқалиши бежиз эмас. Хўжа Аҳмад Яссавий Муҳаммаддан кейинги иккинчи авлиё, Туркистон шаҳри эса кичик Макка ёки иккинчи Макка ҳисобланади.

Бундай тафсилотлар манбаларда баён этилган. Жумладан, адабиётшунос тадқиқотчи Тоҳир Қаҳҳор талқинида қуйидагича тасвирланади: «Ҳазрат Пайғамбаримизнинг маънавий ишоратлари ила Аҳмадни излаб Шайх Арслон бобо Сайрамга келди, уни топди». Бу ривоятнинг бошланиши шундай: Ҳазрат Пайғамбарга Аҳмад исмли умматнинг туғилиши олдиндан маълум бўлган. Воқеан, Ҳазрат пайғамбаримиз асҳоби Икром бир жойга боришганда оч қолишади. Расул Оллоҳ дуоси билан ҳазрат Жаброил жаннатдан бир табоқ хурмо келтиради. Ўша хурмолардан бир донаси ерга тушади. Шунда пайғамбари Акрам: «Бу хурмо Сизнинг умматингиздан Аҳмад Яссавий отлуғ бирининг қисматидур», — деди. Ҳар омонатнинг берилмоғи табиий бўлгани учун ҳазрат Пайғамбар саҳобаларига улардан бирининг бу вазифани уддалашини таклиф этади. Асҳобидан ҳеч бири жавоб бермади. Фақат Арслонбобо Аллоҳ элчисининг иноятн билан бу ишни уддалай олажагини сўзлади.

Ўша бир дона хурмо устида бир парда зоҳир ўлди. Шунда Ҳазрат Пайғамбар Арслонбобога Султон Аҳмад Яссавийнинг қандай бўлажагини таъриф ва тавсиф этиб, унинг тарбияси билан шуғулланишини амр қилди. (Бу ривоят Саййид Ҳасан Хўжа Нақибул Шараф «Бухорийнинг «Мазакири аҳбоб» асарининг қўлёзмасидан). Шу боис Арслонбобо Аҳмад 7 ёшда эканида Сайрамга келган. У узоқдан мактабдан қайтаётган Аҳмадни кўраркан, таниб унга салом берди. Аҳмад жавоб қайтариб, «омонат»ни сўради. Шунда Арслонбобо унинг валийлигига, Оллоҳнинг иродасига қойил қолади...

Мактаб ўқувчилари келтирган бу фактлар — ҳақиқатдир. Шукрки, улар энди биздай бўлмайдилар. Уларни негадир бахтли болалар, дегим келади.

Шу баҳонада бир-икки мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Шукрки, давр, замон, қарашлар ўзгарди. Жумҳуриятимиз мустақил бўлди ва уни жаҳондаги кўплаб давлатлар танимоқдалар. Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар сабаб дарров шу кун руҳига мос дарслик ва қўлланмаларни чиқариш имкони йўқ. Бу ўринда яна мактаб ўқитувчиларининг зиммасига катта юк тушади. Тайёр дарслик ёки қўлланмани кутмай, вақтли матбуот ва нашрларда ифода этилаётган қарашлар ва талқинлар асосида ўқувчиларга янгича илм бериш пайти келди. Ўзбек ўқувчилари энди фақат Оврўпо адабиётинигина эмас, Шарқ маънавиятининг асосчиларини ҳам теран англамоқлари даркор. Зеро, улар Шарқ маданиятининг қонуний ворисларидир.

Хўжа Аҳмад Яссавий руҳи покларини ёдлаб ўтириб, яратганга шукроналар ўқидимки, бугун шундай мактаблар, шундай ўқитувчи-ю ўқувчилар юртимизда кам эмас...

Исмат ХУДОЕР.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СИРТҚИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти (ўзбек ва рус мактаблари учун).

Рус тили ва адабиёти (рус мактаблари учун).

Педагогика ва психология (мактабгача тарбия).

(ўқиш ўзбек ва рус тилларида).

Педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

(ўқиш ўзбек ва рус тилларида).

Физика (ўқиш ўзбек тилида).

Тарих (ўқиш ўзбек тилида).

Меҳнат (ўқиш ўзбек тилида).

Мусиқа (ўқиш ўзбек тилида).

Жисмоний тарбия (ўқиш ўзбек ва рус тилларида).

Талабалар танлаган ихтисосликлари бўйича қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

Ўзбек тили ва адабиёти (ўзбек мактаблари учун) — она тили ва адабиёти (иншо), тарих (оғзаки).

Ўзбек тили ва адабиёти (рус мактаблари учун) — она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), рус тили (оғзаки).

Рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), тарих (оғзаки).

Педагогика ва психология (мактабгача тарбия) — она тили ва адабиёти (иншо), биология (оғзаки), мусиқа-расм (оғзаки).

Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси — она тили ва адабиёти (иншо), мусиқа-расм (оғзаки), математика (оғзаки).

Физика — физика (ёзма), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Тарих— тарих (ёзма), она тили ва адабиёти (иншо), география (оғзаки).

Меҳнат — математика (оғзаки), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

Мусиқа — мусиқа назарияси, ижрочилик маҳорати, она тили ва адабиёти (диктант).

Жисмоний тарбия — жисмоний тарбия (енгил атлетика, гимнастика, сузиш), она тили ва адабиёти (диктант), биология (оғзаки).

Сиртқи бўлимга аксарият, халқ таълими соҳасида ишлаётган фуқаролар қабул қилинадилар.

Ўрта мактабни битиришда олтин (кумуш) медаль билан тақдирланганлар, ўрта махсус ўқув юрти ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар қабул комиссияси томонидан белгиланган битта имтиҳонни топширадилар. Агар улар «беш» баҳо олсалар, бошқа имтиҳонлардан озод этиладилар ва институтга қабул қилинадилар. «Тўрт» ёки «уч» баҳо олиб қолинган тақдирда бошқа имтиҳонларни ҳам топширадилар ва умумий танловдан ўтадилар.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ариза.

2. Ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси).

3. 086/У андозадаги тиббий маълумотнома.

4. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

5. 6 дона сурат (3х4 см. ҳажмида).

6. Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат кўрсатилади.

Аризалар 18 майгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 19 майдан бошланади.

Институти манзилгоҳи: Қўқон шаҳар, К. Маркс кўчаси, 23-уй.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчи ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади. Ўқиш муддати 1,5—3 йил).

2. ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларичи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчи ва дурадгор мутахассисликлари берилади. Ўқиш муддати 1,5—3 йил).

3. ФЕРМЕР-ЎСИМЛИҚШУНОС (мева-сабзавотчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади. Ўқиш муддати 1,5—3 йил).

Ҳужжатлар 8 августгача қабул қилинади.

Ўқувчилар 19 августдан бошлаб ўзбек тилидан диктант ва биологиядан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Билим юртига 9, 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар. 3 йиллик ўқишни тугатганларга ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 1,5 йиллик фермер гуруҳларига ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларига босқичма-босқич текширув натижаларига кўра, ҳар бир курсдан сўнг мутахассислик берилиб борилади. 3 йиллик гуруҳ ўқувчилари 2-курсдан сўнг ўрта маълумот ҳақида ҳужжат оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийимбош ва стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

12-ҳунар-техника билим юрти замонавий бинога жойлашган. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт секциялари ишлайди.

Фермер гуруҳларида ўқиётган ўқувчилар хорижий мамлакатларга билимларини ошириш учун юбориладилар.

ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:

— туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асли ёки паспорт);

— Маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли);

— турар-жойидан маълумотнома;

— ота ёки онасининг иш жойидан маълумотнома;

— олти дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

— 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади ва фақат ўзбек тилида олиб борилади.

Ҳужжатлар соат 8.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Билим юртининг манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Қибрай ноҳияси, Геофизика қўрғончаси, М. Горький метроси — Тузель маршрутидаги автобуснинг «Геофизика» бекати. 21, 63, 73, 49-автобусларнинг охирги «1-Қорасув даҳаси» бекати.

Телефон — 64-31-34.

БЕЛЛАШУВ ЯКУНЛАНДИ

Наманган ноҳияси халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси ноҳия қўмитаси анъанавий баҳорги беллашув ўтказди. Ўқитувчилар жамоалари бу галги мусобақаларда спортнинг 9 тури бўйича умумжамоа ва шахсий ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

30-ўрта мактаб мураббийлари беллашувга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этдилар. Улар умумжамоа ҳисобида футбол, шашка, стол тенниси бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Шунингдек, 3-мактаб вакиллари ҳам баскетбол, волейбол (эркаклар ўртасида) каби спорт турлари бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Б. ҚУШМОНОВ.

ТАРИХНИНГ ЁРҚИН ОЙНАСИ

Тарихимизнинг барча даврларига ҳаққоний баҳо бериш ҳозирги вақтда биз учун ниҳоятда зарур. Худди шунингдек, ўтган даврларда Ўзбекистон фуқаролари ҳам машақатли ишларни бажариб, жумҳуриятимизнинг иқтисодини, техникавий ва маданий тузумини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида катта қаҳрамонликлар кўрсатди. Уларнинг меҳнатлари туфайли жумҳуриятимиз аграр республикадан индустрлашган жумҳуриятга айланди. Айниқса, 60—70-йилларда республикада ишчилар фаолияти анча тез равнақ топди.

Катта муваффақиятлар билан бирга кейинги ўн йилликлар ичида саноат тараққиётида кўпол хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Бу хусусда, яъни Ўзбекистон ишчилар синфи ҳақида кўплаб китоблар, рисолалар чоп этилди, илмий мақола тўпламлари нашр қилинди. Рўзнома ва ойномаларда ишчилар меҳнати, саноат корхоналарининг фаолиятлари ёритиб келинди. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш Ўзбекистон ишчилар синфи фаолиятини тушуниб олиш ва ўрганиш учун катта манба ролини ўйнайди. Бироқ республикамиз халқ хўжалиги шундай кўптармоқлики, баъзиларининг тарихи ҳали ҳам ўрганилмай, таҳлил этилмай қолиб келмоқда.

Тарих фанлари номзоди Г. Холлиевнинг яқинда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган ва «Ўзбекистон ишчилар синфининг илмий-техника тараққиёти асосида енгил саноатни ривожлантиришдаги роли» деб номланган монографияси юқоридаги камчиликни тўлдиришда муҳим аҳамиятга моликдир.

Дастлабки бобнинг биринчи бўлими «Илмий-техник ташкилотлар ва уларда ишчиларнинг ижодий активлик роли» деб номланган бўлиб, саноат корхоналарида техника тараққиёти қандай кўчаётганлиги ҳақида фикр юритилган. Китобда инженер-техник ходимларнинг муносабатлари, эришган ютуқлари, кўп сонли аниқ рақамларда ифодаланган. Айниқса, рационализатор ва ихтирочилар фаолияти, хусусан, пахта хомашёсига дастлабки қайта ишлов берадиган ҳамда каноп толаси тайёрлайдиган саноат корхоналаридаги илмий техникани ривожлантириш йўлида киритилган кўп таклифлар ва бу таклифларни илмий-техник тараққиёт йўлида жорий этиш ҳамда кўрилган катта-катта иқтисодий самаралар далилий рақамлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Китобда таъкидланишича, ҳозирги аҳволдан чиқиш йўлини ташаббускор, тадбиркор кишилар, илғор, ишбилармон ишчи, инженер, техник ходимлар белгилайди. Жамият тараққиёти буюк ташаббуссиз, тадбиркорликсиз олға бора олмайди.

Муаллиф қайд этганидек, мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳар томонлама ривожланишининг оғир юкини ўз устига олган жасур ишчилар синфининг тарихини янада кўпроқ ўрганиш ва тўғри талқин этиш олим-зиёлиларнинг муқаддас бурчидир.

Ҳ. ҒУЛОМОВ,
ТошДД Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.

Я. ҒАФФОРОВ,
тарих фанлари номзоди, ТошДД тарих куллиётининг катта ўқитувчиси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи М. РАҲМОНОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12